

# VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг сканер қилинг.



2021 йил 19 февраль, №7 (2914)

III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ суратга олган

## O'ZBEKISTON

### HAFTA ICHIDA

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 февраль куни Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманига келди.

– Ёшлар йўлини тасаввур қилолса, куч пайдо бўлади. Қийинчиликлардан, синовлардан хафа бўлмаслик керак. Ҳаёт мактабини ўтаган инсон дунёга бошқача қарайди. Ёшларнинг яхшисиям, ёмониям бизнинг фарзандларимиз. Сизларга ўхшаган интилувчан, эртанги кунига бефарқ бўлмаган, касб-хунарли ёшлар бошқа тенгдошларига ўрناк бўлиши керак, – деди Президент.

● Иш стажы етарли бўлмаган фуқарога ҳам пенсия тайинланади. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси эълон қилинди.

Мазкур тизим амалиётга жорий этилса, уй бекаси бўлган аёл келажақда пенсия олиш имкониятига эга бўлади.

**ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.**

## АСЛ МАРД ВАТАНГА ТИЗ ЧЎКИБ ЎТАР...



### Қўшиннинг бир-бирини англаши

Тошкент ҳарбий округига қарашли «Марказ» десантчилар тайёрлаш базаси янгича инфратузилма ва қиёфада қад ростлади. Бир пайтлар кимсасиз ва ташландиқ кўринишда бўлган ерда бунёд этилган мажмуани кўриш учун Нурафшон тумани фахрийлари, ўқувчи ёшлар жам бўлди...

### ЧАҚИРУВ – 2021

Аслида муддатли ҳарбий хизматга бориш мақсадида белни маҳкам боғлаб, мудофаа ишлари бўлимига келишнинг ўзи даъвогарнинг юрагида ўти борлигини билдиради. Бир нечта тиббий кўриклардан ўтиб, ҳужжатлар тахлаб, чақирув комиссияси ҳузурда ҳозир бўлиш янада завқли. У ерда шай турган малакали олий ва биринчи тоифали шифокорлар назоратидан муваффақиятли ўтган ўғлонлар Ватан ҳимоясига йўланмани қўлга киритадилар. Уларни эса келажақда машаққатли ва шарафли, масъулиятли ва ҳузурбахш улуг бир йўл кутиб турибди.

- 6 КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ
- 8 ТЎППОНЧАНИНГ АЖДОДЛАРИ
- 10 «ОҚҚУШ СУЗГАН СУВ СУЛУВ»
- 13 ТОШБАҚАЛАР ЙИҒИСИНИ ЭШИТГАН ОДАМ
- 16 КУРАШЧИ ПОЛВОН

# «САМО ЛОЧИНЛАРИ» ДЕСАНТЧИЛАР ЯНГИ ҚИЁФАДАГИ ТАЙЁРЛАШ «МАРКАЗ» БАЗАСИДА ТОБЛАНАДИ



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

Тошкент ҳарбий округига қаршли «Марказ» десантчилар тайёрлаш базаси янгича инфратузилма ва қиёфада қад ростлади. Бир пайтлар кимсасиз ва ташландиқ кўринишда бўлган ерда бунёд этилган мажмуани кўриш учун Нурафшон тумани фахрийлари, ўқувчи ёшлар жам бўлди.

«Марказ»нинг тантанали очилиш маросимини мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов очиб берар экан, десантчилар тайёрлаш базасида тобланган ҳарбий хизматчилар бугунги армиямизнинг чин фидойилари, ҳар қандай ғанимни яқсон қилишга қодир мард ўғлонлари бўлиб камол топишини алоҳида таъкидлаб ўтди.



Шунингдек, мудофаа вазири бир гуруҳ фахрийлар, ўқувчи ёшлар ҳамроҳлигида «Марказ»да яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, ҳарбий хизматчиларнинг амалий машғулотларини кузатди.

4,6 гектар ҳудудга эга бўлган «Марказ»нинг қўниш майдони 152 гектарни ташкил этади.



Шунингдек, мажмуада 200 кишига мўлжалланган спорт ҳамда парашют десант шаҳарчаси, замонавий ошхона, шинам ётоқхона, тиббиёт пункти ва қатор йўналишларда фаолият олиб боришга мўлжалланган ўқув нуқталари мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, ушбу базанинг асосий вазифаси Қуролли Кучларимиз тасарруфидаги шахсий таркибни жанговар тайёргарлик дастурлари бўйича ҳаво кемаларидан парашют билан сакрашга тайёрлаш ҳамда десантлаштиришдан иборат.

«Марказ» десантчилар тайёрлаш базаси турли муассаса ва ташкилотлар билан доимий ҳамкорликни амалга ошириб, улар билан ўқув-услубий йиғинлар, ҳарбий ҳамкорлик тренинглар, семинар ва кўргазмали машғулотлар, шунингдек, туман ҳудудида истиқомат қилувчи ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича тизимли ишларни олиб боради.



Бунда десантчи ва мутахассислар билан кундузи ҳамда тунда қуруқликда ва сувда парашют билан амалий сакрашларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, шунингдек, уларни халқаро парашют спорт мусобақаларига тайёрлаш каби муҳим вазифалар босқичма-босқич амалга оширилади.



Ташриф давомида меҳмонлар турли қўл жанги чиқишлари, парашют билан сакраш ҳамда турли жанговар ва спорт машғулотларини яқиндан кузатиб бориш имкониятига эга бўлишди.

Лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ,  
«Vatanparvar»



# «ЗИММАМИЗДА ИНСОНЛАР ҲАЁТИГА ЖАВОБГАРЛИК БОР»

*Ї даражали сержант Аброр Мамарасулов кўп йиллардан буён шарафли соҳада хизмат қилиб келмоқда. «Машаққатлардан чўчимай олға интилган инсон бир куни албатта, мақсадига етади. Мен ҳаётда мана шу ақидага амал қилиб яшайман», дейди у. Ҳарбий жамоада ўз ўрнига эга бу қаҳрамонимиз ёш бўлса-да, юзлаб шогирдларга устозлик қилган. Унинг ҳаётда ва хизматда эришган ютуқ ва муваффақиятларини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди. Келинг, бу хусусда кўйида баён қиламиз.*

## ИНСОННИ ОРЗУЛАР УЛҒАЙТИРАДИ

У болалигидан учувчи бўлишни орзу қиларди. Осмонда учаётган самолётларга қараб, ширин хаёлларга берилган вақтлари кўп бўлган. Ҳатто тушларида ҳам сарҳадсиз самода учаётганини кўрарди. Эртасига эса кўрган тушларини қувонганча онасига сўзлаб берарди. «Мақтабда яхши ўқисанг, ниятинг тўғри бўлса, албатта, учувчи бўласан. Чунки тиш бутунлигида қилинган ният ижобат бўлади, болажоним», дерди онаси пешонасидан ўпиб. Одатда болаликдаги орзу ўткинчи бўлади, дейишади. Йўқ, Аброржонда ундай бўлмади. Аксинча, балоғатга етгани сайин қалбида орзусига етишиш илинжи ортиб бораверди. Мақтабни тамомлаб, муддатли ҳарбий хизматга йўл олди. Хизматдан қайтганидан сўнг эса Тошкент авиация институтига ўқишга киришни мақсад қилди. Аммо...

– Ўшанда мустақилликнинг илк йиллари эди. Ўтиш даври бўлгани учун ҳаёт кечириш бироз оғир бўлиб қолганди. Биз оилада олти фарзанд эдик. Олти фарзандни едириб-ичириш, кийдириш оиланинг биргина боқувчиси бўлган отамга қийин бўлиб қолганди. Мен армия кўрган, ҳаётнинг паст-баландини тушунган ёшда эдим. Отамнинг қийналаётганига шунчаки кўз юмиб кетолмадим. Шунинг учун ўқишга киришдан воз кечдим. Унинг ўрнига отамга елкадош бўлишни мақсад қилдим. Шундай қилиб Тошкентга келиб, авиация заводида ишга кирдим. Биз бу ерда самолётларни таъмирлардик. Соҳага қизиқишим кучли бўлгани учун ёши улуг ишчилардан касбимизнинг сир-асрорларини мукамал ўзлаштиришга интилардим. Бир сўз билан айтганда, заводдаги меҳнат фаолиятим мен учун энг катта тажриба майдони бўлган. Бу масканда 1993 йилдан то 1997 йилга қадар фаолият юритдим, тажрибали авиация механиги бўлиб етишдим. Ўқишга кирмаганингиздан афсусланмаганмисиз,

дейсизми? Йўқ, нега афсусланман? Чунки учувчи бўлмасам ҳам самолётларнинг ёнида эканлигим, улар билан тиллашаётганимдан мамнун эдим. Бу мен учун жуда завқли эди. Дарвоқе, заводда ишлаб юрган кезларимда мени Россиянинг Ульянов шаҳридаги Авиация институтига ўқишга юборишмоқчи бўлган. Мен оилавий шароитим сабабли ўқишга боришдан воз кечганман. Ахир оилада тўнғич фарзанд эдим. Тўнғич фарзандликнинг юки эса барибир оғирроқ бўларкан...

## АВИАЦИЯ ХАТОЛАРНИ КЕЧИРМАЙДИ

– Вақт ўтиб, ҳаётимни ҳарбий соҳа билан боғлашга қарор қилдим. Ўшанда бу қароримдан ота-онам ҳам жуда хурсанд бўлишган. Шу кунгача ҳарбий транспорт авиацияси йўналишида хизмат қилиб келяпман. Катта авиация механигиман. Зиммамиздаги вазифа жуда масъулиятли: самолётларни таъмирлаймиз, учишга тайёрлаймиз. Оддий транспорт воситаларида бўлгани каби самолётларнинг ҳам 200, 400, 600 соатлик регламент соатлари бўлади. Таъмирлаш батальонимиз билан бирга мана шу регламент соатларида самолётларнинг техник ҳолатини кўриқдан ўтказамиз, соз ёки носозлигини аниқлаймиз, зарур бўлса, таъмирлаймиз. Биласизми, ердаги гап осмонга тўғри келмайди, дейишади. Бу сўзнинг маъносини авиация механиклари яхши тушунади. Яъни механик самолётларни кўриқдан ўтказиш жараёнида ҳеч бир жиҳатга эътиборсиз қарамаслиги керак, чунки сизга арзimasдек кўриган оддийгина носозлик улкан фалокатларга сабаб бўлиши мумкин. Зеро, зиммамизда инсонлар тақдири учун жавобгарлик ҳисси бор. Мен шогирдларимга, энг аввало, шуни ўқтираман. Уларни ўз ишига пишиқ-пухта бўлишга, таъмирлаш ишининг мукамал бажарилганини билиш учун керак бўлса ўн мартагача текширишга ўргатганман. Мен



яшани ўрганганман. Шу вақтгача МИ-29, ИЛ-76, АН-12 самолёт ва вертолётларнинг уч метргача бўлган макетларини ясаганман. Мен ясаган макет Қуролли Кучлар давлат музейида ҳам бор. Тўғри, самолётнинг макетини яшаш узоқ вақт талаб қиладиган қийин иш. Лекин бу менга ёқади. Чунки макетларни яшаш жараёни ҳам бу йўналишда илмий тадқиқот ўтказиш билан тенг, деб ўйлайман. Чунки соҳамизга оид янги ғоялар шу жараёнда туғилади.

## ЯНГИ ИШЛАНМАЛАР УСТИДА

– Бундан бир неча йил олдин устозларим билан биргаликда олий ҳарбий авиация билим юрти курсантлари учун аэродинамик ясаганмиз. Унинг кўриниши самолётга ўхшайди, двигатели ҳам, қанотлари ҳам бор. Тахминан тўрт метр узунликдаги ойнали вакуум ичига жойлаштирилган бу ускуна самолётнинг парвозга кўтарилишини кўрсатиб беради. Бу эса курсантларнинг ҳаво кемасини бошқариш ҳақидаги тасаввурларини бойитади. Шунинг учун ҳам машғулот жараёнида ундан фойдаланиш яхши натижа беради.

Албатта, бу ишланмамиз охиригиси эмас. Чунки биз изланишдан тўхтаганимиз йўқ. Яқинда янги – баллонларни монтаж-демонтаж қилиш ускунаси устида иш олиб бордик. Бу техниканинг ўзига хослиги – у мутахассисга бир ўзи ҳеч кимнинг ёрдамисиз самолёт баллонлари ечиб қўйиш имкониятини яратади. Ҳозирда ушбу ускуна янада мукамаллаштириш устида иш олиб борапмиз.

## ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ БЎЛИШ

– 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги байрами арафасида «Содиқ хизматлари учун» юксак давлат мукофоти билан тақдирландим. Бу мукофот Ватан олдидаги хизматларимга берилган юксак баҳо бўлди. Бундан қувонмай бўладими?! Хушxabарнинг қаноти бор, деб бежиз айтишмас экан. Яқин-йироқдан таниш-билишлар кўнғироқ қилиб қутлашганидаги ҳолатимни сўз билан таърифлай олмайман. Бу жуда ёқимли туйғу эди. Давлатимизнинг юксак мукофоти ўз вазифамга янада чуқур масъулият, фидокорлик билан ёндашишга илхомлантирди. Зеро, инсон учун Ватан эътирофига сазовор бўлишдан ортиқ бахт йўқ экан!

Майор  
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

ҳам устозлардан шундай сабоқ олганман. Чунки авиация хатоларни ҳеч қачон кечирмайди.

## ЯХШИ УСТОЗ БЎЛМАСА...

– Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида устозлардан олган сабоқларнинг аҳамияти бекиёс. Зеро, бу сабоқлар бизни янги марраларга элтади, билимимизни оширади, тажрибамизни мустаҳкамлайди. Мен устоз танлаш борасида ҳам омади чопган инсонман. Нега дейсизми? Чунки ўз соҳасининг билимдони бўлган инсонларга шогирдман. Полковник Шухрат Йўлдошев, подполковниклар – Шавкат Қодиров, Мурод Абдураззоқов, сержант Дилшод Бекназаров ҳарбий авиация йўналишида малакали мутахассис бўлиб етишишимда меҳнати, заҳмати сингган устозларим бўлади. Бир китобда шундай сўзларни ўқигандим: «Яхши устоз бўлмаса, яхши шогирд бўлиш душвор». Жамоада ўрин топдим, хизматларим эътироф этиляпти. Демак, менинг яхши устозларим бор. Улардан ҳаётда ҳам, хизматда ҳам ўрганганларим кўп ва ҳануз ўрганипман. Мен ҳар доим уларга муносиб шогирд ва улардек устоз бўлишга ҳаракат қиламан.

## ВАҚТ ҚАДРИ

– Вақт – умримизни ташкил қилади. Шундай экан, инсон ўтаётган ҳар бир сония ва дақиқадан унумли фойдаланиши керак. Одатда бўш вақтларим кам бўлади. Шундай вақтда бирор-бир фойдалани юмуш қиламан. Фарзандларим тарбияси билан шуғулланаман, китоб ўқийман. Менинг бир хоббим бор: болалигимдан самолёт ва вертолётларнинг макетларини яшашга қизиқаман. Кичкиналигимда макетларни болаларча тасаввуримга таяниб ясаган бўлсам, авиация заводида ишга кириб, ҳақиқий самолётларни ўз кўзим билан кўрганимдан кейин мукамал кўринишга эга бўлган макетларни

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

# Қўшиннинг Бир-бирини Англаши

## Ишончли Ғалаба Кафолатидир

Жанубий оператив йўналишда старт олган кенг қўламли ўқув машғулоти ҳақида газетамизнинг ўтган сонидан хабар берган эдик. Куч тузилмаларининг жанговар шайлиги ва қобилиятини янада ошириш, жанубий сарҳадларимизнинг ишончли ҳимоясини ташкил этиш ҳамда ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари ва куч тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини амалда қўллаш кўникмасини мустаҳкамлашга қаратилган мазкур ўқув машғулоти юқори савияда ўтказилди.



Ушбу машғулот масштаб нуқтаи назаридан ҳам бошқаларидан бутунлай фарқ қилади. Боиси барча куч тузилмалари, маҳаллий бошқарув органлари иштироки ва ҳамкорлигида ўтказилган ўқувлар мамлакатимизнинг муҳим ҳудудларидан бири бўлган жанубий сарҳадларимизни тўлиқ қамраб олди, десак муболаға бўлмайди.

Ўқув машғулоти давомида замонавий жанг шариоитларида олиб бориладиган ҳарбий ҳаракатлар, фронт орти таъминоти, қўшинларни қўллаш кўникмаси, шахсий таркибнинг чидамлилигини ошириш каби муҳим жиҳатлар алоҳида кўриб чиқилди.

Фронт орти таъминотининг муҳим бўғини бўлмиш темир йўл вокзалида юзага келган ҳолатни бартараф этиш – озиқ-овқат маҳсулотлари, ёнилғи ва турли хил керакли буюмларни вагондан юк машиналарига кўчириш ҳамда ко-



лонна бўйлаб хавфсиз ҳаракатланиш вазифаси аъло даражада бажарилди.

Амалий ўқув машғулоти режасига кўра, шартли террорчилар томонидан муҳим аҳамиятга эга стратегик кўприк вайрон қилинган. Бу эса қўшиннинг таъминотдан узилиб қолишига сабаб бўлади. Муҳандислар отряди қисқа вақт ичида ҳудудга етиб келиб, муҳандислик разведка ишларига киришди. Куну тун қоровул наряди ташкил этилиб, ҳудуд тўлиқ назоратга олинди. Қулай жой танланиб, тез фурсатда оғир механизацияланган кўприк иншооти қурилди. Шу тариқа темир йўл вокзалидан йўлга чиққан колонна ушбу кўприк иншоотидан осонлик билан ўтиб, қўшин таъминоти йўлида олға кетди.

Машғулот воқеалари «Термиз» полигонидан давом этади.





Муаллиф ва III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ



Разведка маълумотларига кўра, ноқонуний қуролланган бир гуруҳ шартли террорчилар чегарани бузиб ўтиб, ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш учун юртимиз ҳудудига киришга эришган. Ҳамкор куч тузилмалари иштирокида қисқа муддат ичида мудофаа жанги тактик режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, душманга қарши дастлаб авиация, сўнг артиллерия зарбалари берилди. Турли ўқотар қуроллардан дастлаб кетма-кетликда, кейин эса бирваракайига қақшатқич зарбалар йўлланди. Жанг давомида жанговар техникалар ва шахсий таркибнинг қулай позицияни эгаллаши



ва жанг тақдирини ижобий ҳал этишлари учун ҳарбий муҳандислар ёрдамига ҳам таянилди.

Жароҳат олган ҳарбий хизматчини жанг майдонидан эвакуация қилиш ва унга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишда ҳарбий шифокорлар маҳорати яна бир бор синовдан ўтказилди.

Бу ўқув машғулоти раҳбарий кадрлар билан бир қаторда ёшлар ҳам кузатиб борди. Эртамиз эгалари учун ўқувдан кейин турли маданий тадбирлар ҳам ўтказилди ва ҳарбий қисм ошхонасида тушлик уюштирилди.

Энг аҳамиятлиси шуки, мазкур ўқув машғулотида куч тузилмалари биргаликда ҳаракат олиб бориб, қўшин турларининг бир-бирини англаш хусусияти янада ортди.

**Лейтенант Исломжон ҚҶЧҚОРОВ,**  
«Vatanparvar»



# КУЧЛИ ИЖТИМОЙИ ХИМОЯ ФИДОЙИЛИККА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

Мамлакатимизда ҳарбий хизмат нуфузини юксалтириш ва Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини янада ошириш мақсадида қўшин турларини ёш, шижоатли, ватанпарвар, садоқатли ва интеллектуал салоҳиятли ёшлар билан бутлаш, ҳарбий хизматни ўташ учун қулай шароитлар яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси масалалари билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда уларга қулай шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини янада яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила-ларини ижтимоий ҳимоялаш бу – ижтимоий-иқтисодий, маданий, тиббий ва бошқа соҳаларда ҳарбий оила вакилларининг ўз қобилиятларини ривожлантириш ва намоён этишлари учун зарур бўлган шароитларни яратиш ҳисобланади. «Темур тузуклари»да: «Сипоҳий давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиқлигини билдиради», дея уларнинг мураккаб ва шарафли вазибалари алоҳида таъкидланган.

Халқимизга хос ана шундай инсонпарварлик акс этган ушбу бо-бомерос тузук бугун ҳам амалда

эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг анжуманлар залида ташкил этилган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масалаларини кучайтириш юзасида олиб борилаётган ишлар ҳақида мудофаа вазирининг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси полковник Баҳром Зулфиқоров, Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармасининг бошқарма бошлиғи



полковник Шермуҳаммад Саидахма-тов, Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари подполковник Нурбек Отақўзиев ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультети Ҳарбий дала жарроҳлиги кафедраси бошлиғи тиббий хизмат полковниги Носир Фозилов республика ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларига батафсил маълумот бериб, уларни қизиқтирган бир қатор саволларга батафсил жавоб бердилар.

Матбуот анжумани иштирокчилари асосан Мудофаа вазирлиги мутахассисларига ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилган имтиёзлар, олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун бериладиган тавсияномалар, ҳарбий хизматни

ўташ билан боғлиқ масалалар, ҳарбий тиббиёт соҳасида яратилаётган имкониятлар, уй-жой билан таъминланиш масалалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат қилдилар.

Албатта, кучли ижтимоий ҳимоя, ўз навбатида, офицер ва аскарларимизнинг фидойилик, бурчга садоқат билан хизмат қилиш, ўзининг профессионал тайёргарлигини ошириб бориши учун замин яратмоқда. Кўри-лаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида Ватан ҳимоячиларининг ҳарбий хизматга бўлган ёндашуви тубдан ўзгарди, ҳарбий қисмларда масъулият ва интизом мустаҳкамланди, барча ҳарбийлар қалбида ўз Ватани билан фахрланиш ва ғурурланиш ҳисси янада ортди.

Мақсуд АБИЛОВ

## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИҒИН

# ТАРБИЯВИЙ ВА МАФКУРАВИЙ ИШЛАР СИФАТИ

ватанпарвар посбонни тарбиялашда муҳимдир

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари» китобида шундай ёзади: «Амин бўлдимки, ғалаба сипоҳнинг сони билан эмас, уларнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ».

Бугун ҳам қўшинларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг билими, маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улар қалбида Ватан тақдирини ва келажаги учун дахлдорлик, масъулият, садоқат ва ватанпарварлик ҳиссини ошириш масаласи ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмларга қилган ташрифи чоғида энг аввало, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий ва маърифий билимларини ошириш масаласига алоҳида урғу бераётгани бежиз эмас. «Бир фикрни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак, – дейди Президентимиз ўз маърузаларидан бирида. – Армияни моддий жиҳатдан барча замонавий зарур техника ва жиҳозлар, қурол-яроғлар



билан таъминлаш мумкин. Аммо шахсий таркиб маънавий жиҳатдан заиф бўлса, яъни аскар ва офицерларимизда жанговар рух, Ватанга меҳр ва садоқат, унинг тақдирини учун масъулият бўлмаса ёки уларнинг ўртасида бепарволик ҳукм сурса, бундай ҳолат ниҳоятда нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин».

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерларининг ўқув-услубий йиғинида ҳам асосий эътибор айнан



шу йўналишда амалга оширилган ишлар тизимини такомиллаштириш, уни бутунлай янги босқичга олиб чиқиш, ҳуқуқбузарликнинг танқидий таҳли-ли, эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммоларнинг ечимларига қаратилди.

Йиғилишни мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев ўз маърузаси билан очиб берди.

Ўқув-услубий йиғиннинг якунлари бўйича га-зетамизнинг кейинги сониди батафсил маълумот берамиз.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА

ЧАҚИРУВ – 2021

Аслида муддатли ҳарбий хизматга бориш мақсадида белни маҳкам боғлаб, мудофаа ишлари бўлимига келишнинг ўзи даъвогарнинг юрагида ўти борлигини билдиради. Бир нечта тиббий кўриклардан ўтиб, ҳужжатлар тахлаб, чақирув комиссияси ҳузурида ҳозир бўлиш янада завқли. У ерда шай турган малакали олий ва биринчи тоифали шифокорлар назоратидан муваффақиятли ўтган ўғлонлар Ватан ҳимоясига йўллангани қўлга киритадилар. Уларни эса келажақда машаққатли ва шарафли, масъулиятли ва ҳузурбахш улўф бир йўл кутиб турибди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлимида бўлганимизда ана шундай улкан орзулар остонасида турган кўплаб ёшлар билан учрашдик.

Улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарори ижроси ўлароқ, навбатдаги муддатли ҳарбий хизматга отланишганди. Ушбу мудофаа ишлари бўлими чақирилувчиларни қабул қилиш ва тиббий текширувдан ўтказишга ҳар томонлама шай ҳолга келтирилган. Махсус тиббий комиссия шифокорлари она юрт ҳимоясига шайланган йигитларнинг саломатлигини ҳар томонлама ўрганишга тайёр.

Келинг, яхшиси, уларнинг фикрларига қулоқ тутаёлик.

– Бугунги кунда инсониятни замонавий технологиялардан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, телефон бир тана аъзомизга ўхшаб қолди. Доимо биз билан. Компьютер, телевизор, интернетсиз юртдошимизни топиш амримаҳол. Мутахассис сифатида буларни тилга олаётганим,

# УЛУҒ ЙЎЛ ОСТОНАСИДАГИ ЁШЛАР



Муаллиф суратга олган

– Дадам ҳарбий хизматчи бўлгани учунми болалигимдан бошқа касб эга бўлишни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Мудофаа вазирлиги спорт клубида бўладиган мусобақаларга бориш оилавий одатга айланганди. Дадам ушбу муассасада фаолият юритгани учун бизнинг ҳам жисмоний тайёргарлигимизга жиддий эътибор қаратарди. Мана, катта мақсадлар билан армияга боришни аҳд қилиб турибман. Келажақда ҳам спортчи, ҳам Ватан ҳимоячиси бўлиб, юртимиз байроғини юксакларга кўтариш ниятидаман, – дейди чақирилувчилардан яна бири Тимур Абдурахманов.

Сўхбатимизни шу ерда тўхтатамиз. Биз сиз билан биргина туман мисолидаги таассуротларимизни қисқача баҳам кўрдик. Республикаимизнинг барча гўшаларида муддатли ҳарбий хизматга отланган йигитларимиз ҳақида ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

Уларга фақат ойдин йўл тилаймиз.

**Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,**  
«Vatanparvar»



юқоридагиларнинг барчаси кўзга салбий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Йигитларимиздан илтимос қилардим: буларга муккасидан кетмасин, фақат зарурат юзасидан фойдаланишсин. Йўқса, эртага нафақат ҳарбий хизматга яроқсиз бўлади, балки бошқа ачинарли оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин, – дейди окулист шифокор Баҳром Эргашев.

– Махсус тиббий комиссиянинг жавобгарлиги жуда ҳам катта, – дейди катта шифокор Ойдин Каримова, – чунки ҳар бир чақирилувчи – тирик жон. Уларни ҳар томонлама текшириб кўриш керак. Лозим бўлса, яқка тартибда сўхбат қиламиз. Зарурат туғилса, қўшимча текширувга юборамиз. Масалан, чақирилувчилардан бири ошқозонда яраси борлигини шу ерга келгунича ўзи ҳам билмаган экан.

Сўхбатимиз авжига чиққан маҳал бир йигит кириб келди.

– Ёрдам қилмасангиз бўлмайди. Армияга жуда ҳам боргим келяпти. Ҳар томонлама соғлом чиқдим. Аммо вазнимга 4 кг етмаяпти.

– Хўп, ёрдам қиламиз, озгина семириб келинг, – дейди шифокор жилмайиб.

ИМТИЁЗ

## ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Фарғона вилояти Сўх туманидаги Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда муддатли ҳарбий хизмат ўтаётган аскарлар тест синовлари топширишди.


Аскарларнинг ўқув йили давомида ўзлаштирган жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик, математика, физика ҳамда мантиқдан эгаллаган билимлари тест синовлари орқали имтиҳондан ўтди. Олий ўқув муассасаларига ўқишга киришга имтиёз берувчи тавсияномани қўлга киритиш учун ўтказилган ушбу синовда посбонлар бор билим ва имкониятларини юзага чиқарганига, шубҳа йўқ.

Тест синовлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида Давлат тест маркази бош мутахассислари жараёнга бош-қош бўлишди.

**З. ЮНУСОВА**



## «БОБУРНОМА»ДА ҚУРОЛЛАР ТАРИХИ



Ўқдори – порохнинг Хитойда кашф этилиши секин-аста ўқотар қуроллар эрасини бошлаб берди. Амир Темур даврида манжаник, раъдандоз, нафтандоз каби тош ва олов отар қуроллардан фойдаланилгани маълум, ammo милтиқ ёки туфак Темур ўрдусида бўлмаган. «Бобурнома»да эса биз туфак, туфанг, милтиқ, тўп, қазон, улуг қазон, зарбзан, фарангий каби кўплаб ўқотар қуроллар номларини учратамиз. Демак, Бобур ўз ўрдусини замонасининг энг илғор қуроллари билан қуроллантиришга ҳаракат қилган. Бу даврга келиб Усмонли давлати, Сафавийлар Эрониди ҳам ўқотар қуроллар бор эди. Эрон ва Усмонли давлатида фойдаланилган Оврўпо русумидаги тўпларни Бобур «фарангий» деб атаиди.

«Бобурнома»да ўша давр артиллерияси – тўплар, ўқотар қуроллар бўйича мутахассис бўлган икки шахс номи тилга олинади. Улардан бири – устод Алиқули, маъдандан қазон, яъни тўп (*замбарак*) қуювчи уста, иккинчиси – Мустафо Румий, у «Рум дастури била ароба», яъни оврўпоча усулда тўп тагига ўрнатиладиган ғилдиракли арава ва фарангий, яъни оврўпо русумидаги тўпларни ясаш бўйича мутахассис. Ана шу икки мутахассис бошчилигида Бобур ўрдусида тўпчи ва милтиқчилардан иборат махсус гуруҳ бор эди.

«Бобурнома»нинг 1508 йил воқеалари ҳикоя қилинган боби ҳозирги Покистон ҳудудида бўлган Бажавр кўрғонининг ишғол этилиши воқеаси билан бошланади. Бобурнинг ёзишича, бажаврликлар ўша пайтгача милтиқ нималигини билишмаган: «*Бажавр эли, чун туфангни кўрмайдур эдилар, туфанг унидин ҳеч парвойе қилмадилар, балки туфанг унини эшитгач, тамасхур қилиб, муқоболада шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди. Ушал куни устод Алиқули беш кишини туфанг била йикди*». Буни қарангли, милтиқ овозини эшитмаган бажаврликлар бу қуролга парво ҳам қилишмабди, ҳаттоки олдинга чиқиб масхаралаб, турли қилиқлар ҳам қилишибди, оқибатда, бир қанчаси ўққа учиб, нобуд бўлибди.

Умуман, Ҳиндистон фатҳида Бобур ўқотар қуроллар, артиллериядан ҳам унумли фойдаланган. Агар Россия тарихи билан солиштирсак, Бобур ўрдусидаги бу тўпчи ва туфакчилар – Москва давлати шоҳи Ёзув Иван (*Грозный*)нинг ўқчи кўшинлари (*стрелецкое войско*)ни эслатади. Фақат Ёзув Иван Бобурдан ярим аср кейин – 1550 йилги ҳарбий ислохотларига махсус ўқчилардан иборат кўшинлар (*стрелецкое войско*) ташкил этишга қарор қилади. 1552 йили эса ана шу кўшинлар ёрдамида Қозон ишғол этилган.

Туфак ёки милтиқ тасвирларини «Бобурнома» кўлёмаларига ишланган миниатюраларда ҳам кўриш мумкин. Туфаклар Бобурнинг ўз мутахассислари томонидан ясалгани ёки сотиб олингани, бу ҳақда «Бобурнома»да маълумот йўқ. Ammo бир ўринда: «*черик яроғига ва тўп ва туфакчининг дору ва жидоғига (маошига)*» хазинадан маблағ ажратиш ҳақида фармон бўлгани айтилади. «Дору» деганда бу ерда «порох» кўзда тутилмоқда. Хўш, «туфак» ва «милтиқ» сўзлари қандай луғавий маънога эга?

Ҳозирги ўзбек тилида «туфак» сўзи қўлланилмайди. «Бобурнома»да эса «милтиқ», «туфак» ва «туфанг» – маънодош сўзлар сифатида ишлатилган. Ammo форс-тожик, озарбай-



жон тилларида «туфанг», усмонли туркчасида «*tüfek*» – «милтиқ» маъносида ҳозир ҳам истеъмолда. «Туфак» рус манбаларида ҳам «*тюфяк*» шаклида учрайди. Рус йилномаларидаги «*тюфяк*» ҳақидаги илк қайд XIV асрга оид бўлиб, қизиғи шундаки, 1382 йили москваликлар Тўхтамиш ҳужумини қайтариш учун туфакдан ҳам фойдаланишган экан. Рус тарихчиларига кўра, туфак Москва князлигига туркий халқлар (*татарлар*) орқали ўтган бўлиши мумкин. М. Фасмернинг «Рус тилининг этимологик луғати»да «*тюфяк*» чиғатолига (*эски ўзбек тилида*) эканлиги айтилади.

«Бобурнома»да подшоҳ Бобурнинг икки фармони форс тилида келтирилган. Бобурнинг вазирлари томонидан ёзилган мазкур форсча матнларда ҳам: «*туфакчилар*» маъносида «*туфакчиён*», баъзан «*туфакандоз*» деб ёзилганини кўриш мумкин. Навоий «*Муҳокама ул-луатайн*»да «*туфак*» сўзини отнинг эгар-жабдуғи қисмларидан бири сифатида тилга олган.

«Туфак» сўзи «Девону луғотит-турк»да шундай изоҳланган: «*كفت تۇواک – туппак*. Тол дарахтининг ва умуман, хўл шохларнинг пўстлоғини ёрмай, шох-новдалардан суғуриб олинади ва учига ғўлакчалар қўйиб, чумчуқларга отилади. Ёғочнинг ичинини ковак қилиб ҳам туппак ясалади (*чигиллар луғати*)».

«Туппак» сўзи 1981 йили чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам: «*лой соққани пуфлаб қуш отиш учун махсус тайёрланган*

камиш най», деб изоҳланган. Бу сўз «*туфламоқ*» феълидан ясалганлиги ҳам англашилади. Пуфлаб отиладиган бу турдаги ибтидий пневматик қурол Америка ҳиндуларида ҳам борлиги туркий халқларда туфак азалдан мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Хуллас, милтиқ тилимизда дастлаб «*туфак*» деб аталган эди. Кейинчалик у форс ва бошқа тилларга «*туфанг*» шаклида ўтган. Пистолет яратилгандан кейин эса, бу қурол «*калта милтиқ*» маъносида турк ва форс тилларида «*тўппонча*», «*туфангча*», «*тубангча*» қабилида атала бошлаган.

«Тўп» («*замбарак*») сўзи ҳам шаклан «*туфак*» ёки «*туппак*»ка ўхшаса-да, этимологик жиҳатдан «*копток*» маъносидаги «*тўп*» сўзига бориб тақалади. Бу қуролнинг ўқи – думалоқ тош, тўп шаклида бўлганлиги учун шундай аталган. «Девону луғотит-турк»да: «*توپ – тўп, копток*. Бу сўз топқининг қисқарганидир», деб изоҳланган. «Ўзбек тилининг этимологик луғати» асари муаллифи Ш. Раҳматуллаев эса: «*Аслида «топ» сўзи қадимги туркий тилда мустақил ишлатилган ва «думалоқ нарса» маъносини аниқлатган*» деб ёзади. Яъни тўп – қадим замонлардан қалъа-кўрғонларни забт этиш учун қўлланилган манжаник оиласига мансуб қуролдир. Бобурнома»да тўп (*замбарак*), кўпинча, «*қазон*», катта тўп – «*улуг қазон*» номлари билан тилга олинади. Бундай аталишининг сабаби тўп ҳам қозондай махсус қолипга юқори даражали иссиқликда эритилган маъдан қуйилиб ясалган.

«Милтиқ» сўзини эса кўпчилик мутахассислар «*пилта*» ва «*ўқ*» (*пилта-ўқ, пилтали-ўқ*) сўзларидан ясалган деб ҳисоблайди («*пилта*», *шунингдек, форсча «фатила», русча «фитиль»* сўзлари аслида арабча «*фатил*» (*الفتيل*) сўзига бориб тақалади). Ўтмишда пилтали милтиқлар бўлганлигини биламиз.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

## «ЖАСУР ЖАНГЧИ – ЁШЛАР УЧУН НАМУНА»

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев жорий йил 12 январь куни ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида масъулларга ҳудудлардаги ўқувчи ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини янада жадаллаштириш бўйича топшириқ берган эди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлашга қаратилган эзгу ишлар бугун бутун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётир. Сурхондарё вилояти Ангор туманининг «Қорақир» маҳалласига «Жасур жангчи – ёшлар учун намуна» шиори остида Термиз гарнизони тарғибот гуруҳи ҳарбий-ватанпарварлик карвони етиб борди. Карвон туманининг 3 та маҳалласи бўйлаб ҳаракатланди ҳамда аҳоли ва ёшларни маҳаллада ташкил этиладиган акцияга чорлади.

Ватанпарварлик тадбирида вилоят ҳокими Тўра Боболов ва Жанубий оператив қўмондонлиги бошлиғи полковник Пўлатжон Сативалдиев, ҳарбий хизматчилар, шаҳар ва туманлардан келган чавандоз ва полвон йигитлар иштирок этдилар.

## ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК КАРВОНИ АҲОЛИ ДИҚҚАТ-МАРКАЗИДА



Тадбирда «Шухрат» медали соҳиби Бахтиёр бахши Артиков ва ҳаваскор ҳарбий бахшилар ўзларининг терма ва дostonларини айтиб, даврага ўзгача шуқуқ олиб кирди. Аҳоли ва ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада ошириш, армияга бўлган меҳр ва ишончни мустаҳкамлаш мақсадида замонавий ҳарбий техника, қурол-яроғлар, таъминот

турлари, жумладан кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди.

Фестивалда аҳоли ва куч тузилмаларининг 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган вакиллари ўртасида спортнинг арқон тортиш, тош кўтариш, стол тенниси ва армрестлинг турлари бўйича мусобақалар ҳам ўтказилди.

Шундан сўнг воҳа маданий ҳаётига хос тарзда шаклланган қадимий миллий ўйинимиз, вилоят ҳокими соврини учун ташкил этилган кўпқари мусобақасига старт берилди. Унда ҳарбий хизматчилар ҳам иштирок этди.

Тадбирда, шунингдек, вилоят маданият бошқармаси ҳамда ҳарбий оркестр томонидан концерт дастурлари намойиш этилди ва буюк саркардаларимиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаҳрамонликларини акс эттирувчи саҳналаштирилган театр томошалари кўрсатиб берилди.

III даражали сержант Акбар АҲМЕДОВ  
Термиз гарнизони



## СЕНАТОР МИНБАРИ

# ЯНГИ ҚОНУННИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

*Хабарингиз бор, қурол тўғрисидаги қонун ҳужжатининг ишлаб чиқиши, муҳокамаси, қабул қилиниши сайтлар ва ижтимоий тармоқларда турлича талқин қилиниб, аҳоли орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлганди.*

Муносабат билдирувчилар иккига бўлинган ҳолда, бири ижобий баҳолашади, бошқа бирлари салбий томонларини кўрсатишга уринади. «Ана шу жараёнда кўпчиликда қурол фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид солмайди? Тинч юртда яшаётган аҳолига қурол керакми? Кимлар қуролдан фойдаланиш ҳуқуқига эга? Қуролни қаердан ва қандай тартибда олиш мумкин?» сингари саволлар ҳам туғилганди. Бундай саволлар аҳоли орасида ҳозир ҳам йўқ эмас. Шу боис бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида янги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенгрок очиб беришни ўринли деб билдик.

Аввало, айтишимиз керакки, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Сабаби, фуқароларнинг хавфсизлиги қонунга мувофиқ назоратга олинади. Қурол дейилганда фақатгина ўқотар воситалар назарда тутилмаслиги керак. Авваллари ов билан шуғулланган хаваскорлар ҳамда бу борадаги фаолият норматив ҳужжатлар асосида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан тартибга солинган бўлса, эндиликда биз сўз юритаётган янги қонун асосида иш олиб борилади.

«Қурол тўғрисида»ги қонун Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 29 июлида имзоланган эди. Ҳужжат олти ой муддат ўтгандан сўнг кучга кирди.

Қонунда фуқаровий, хизмат ва жанговар қурол турлари таснифланган. Фуқаровий қуролга ов, спорт ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроллари киради. Яъни ов қуроли – сойли стволли ва силлиқ стволли ўқотар қурол, шу жумладан, сойли қисми узунлиги 140 мм.дан ошмайдиган ўқотар қурол, комбинацияланган (сойли стволли ва силлиқ стволли) ўқотар қурол, ҳусусан, алмаштирилладиган ва жойлаштирилладиган сойли стволли ўқотар қурол, оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ва калибри 4,5 мм.дан ортиқ бўлган пневматик қурол, тигли совуқ қурол (ов пичоғи, ов ханжарчаси ва ханжарлар) ва сигнал берувчи қурол ҳисобланади.

Спорт қуроли эса сойли стволли ва силлиқ стволли ўқотар ҳамда тигли совуқ қурол (рапира, шпага ва қиличлар), улоқтирувчи қурол (камон, арбалет ва найзалар), оғиз қисмидаги қувват 3 жоулдан юқори бўлган пневматик қурол, сигнал берувчи қуроллардир.

Ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролига эса газли қурол, яъни кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддалар билан тўлдирилган газли баллончалар, механик пуркагичлар, аэрозолли ва электрошок қурилмалар, учкун чиқаргичлар ҳамда шикаст етказувчи таъсири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмалар киради.

Яна бир жиҳат, фуқаровий ўқотар қурол қаторасига ўқ узишни истисно этиши ва ўқдон (барабан) сиғими ўн дона патрондан ортиқ бўлмаслиги керак.

Хизмат қуроли – фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни ҳимоя қилишга, табиат ва қимматбаҳо ҳамда хавфли юклар, махсус хат-хабарларни муҳофаза қилишга доир вазибаларни бажариш чоғида юридик шахсларнинг ходимлари, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан шахсий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

Мудофаа ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа тузилмалар томонидан қўлланиладиган, жанговар ҳаракатларни олиб бориш ва хизмат вазибаларни бажаришга мўлжалланган қурол жанговар қурол ҳисобланади.

Иигирма бир ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фуқаровий ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга.

Ўн саккиз ёшга тўлган фуқароларимиз эса фуқаровий спорт қуролини ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини олиш ҳуқуқига эга. Ов қуроли ва унинг ўқ-дориларини фақатгина ов қилиш ҳуқуқи берилган ҳамюртларимиз олиши мумкин.

Фуқаровий қуролни олиш учун ички ишлар органининг рухсатномаси талаб этилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга асосан, қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар рўйхати тузилади, фуқаролар тиббий текширувдан ўтказилади.

Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда аризачи талабини қондирмаслик сабабларини, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда, қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, сақлаш ва олиб юриш, коллекциялаш ҳамда кўргазмага қўйишга доир рухсатноманинг амал қилиши уч йиллик муддатни ташкил этади.

Шу билан бирга, қуролни қўллашдан аввал, қарши қурол қўллаётган шахсни аниқ ифодаланган тарзда огоҳлантириши керак. Огоҳлантириш имкони бўлмаса ёки қуролни кечроқ қўллаш фуқаролар ва қурол эгасининг ҳаётига бевосита хавф туғдирса ёхуд бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлганда, огоҳлантиришсиз қўллашга рухсат берилади. Аммо қурол қўлланилиши учинчи шахсларга зарар етказмаслиги керак.

Бундан ташқари, қурол эгаси қуролни қўллаган, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказган ҳар бир ҳолат тўғрисида қурол қўлланилган жойдаги ички ишлар идорасини дарҳол хабардор қилиши шарт ҳамда фуқаролар соғлиғига зарар етган

тақдирда, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши, дастлабки ёрдам берилиши чораларини кўриши керак.

Шунингдек, қурол тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини текшириш учун ички ишлар органлари ходимларининг фуқаровий ва хизмат қуроли сақланадиган объектлар ҳудудига ҳамда жойларга соат 6:00 дан 22:00 гача монеликсиз киришини таъминлаши, танишиб чиқиш учун уларга зарур ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 апрелдаги фармонида мувофиқ, ўқотар қурол ва унга ўқ-дорилар муомаласини тартибга солиш функциялари Миллий гвардиядан Ички ишлар вазирлигига ўтказилиши белгиланди. Унга кўра, 2020 йилнинг май ойидан бошлаб ички ишлар органлари томонидан ички ишлар органлари рўйхатида турган 55 минг нафардан ортиқ фуқаро билан шахсий қуролларнинг муомаласига оид қоидаларни бузиш ҳолатларига йўл қўймаслик борасида профилактик ишлар олиб борилди. Натижада 2 мингдан ортиқ қурол вақтинчалик олиниб, 7 218 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди.

Қурол-яроғлар ноқонуний муомаласининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ҳам мунтазам ташкил этиб борилмоқда. Бу эса ноқонуний 874 дона қурол, 6 042 дона ўқ-дори аниқланишига ёрдам берди. Уларни сақлаган 93 нафар фуқаро жиноий жавобгарликка тортилди. Мухими, 765 дона қурол, 2 117 дона ўқ-дори аҳоли ўртасида олиб борилган профилактик-тарғибот ишлари натижасида фуқаролар томонидан ўз хоҳиши билан ички ишлар органларига топширилишига эришилди.

«Қурол тўғрисида»ги қонун билан соҳада ечимини кутаётган кўплаб саволларга аниқ жавоблар белгиланди. Қурол муомаласи ва уни қўллаш билан боғлиқ муносабатлар тизимли равишда тартибга солинди.

Шунингдек, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, қасдан жиноят содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган, жиноий жазони ўтаётган ва ўзига нисбатан жиноят иши кўзғатилган фуқаролар қуролдан, овчиликдан фойдаланишига рухсат берилмайди. Бунинг баробарида, жамоат, белгиланган бошқарув тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этган ёки ов қоидаларини бузган, баданга енгил шикаст етказган ва гиёҳвандлик воситаларини, уларга ўхшаш воситаларни ёки психотроп моддаларни унча кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаган, олган, сақлаган ҳамда ташиган ёки жўнатгани учун бир йил давомида такроран маъмурий жавобгарликка тортилган фуқароларга ҳам ов қуроли ва унинг ўқ-дориларини ишлатиш тақиқланган.

Умуман, мазкур қонун мамлакатимизда қурол муомаласининг ҳуқуқий асосларини белгилаш, қуролни тўғридан-тўғри ишлатишга эмас, аксинча, ундан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишга ва натижада аҳолининг тинч ва осуда ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга хизмат қилади.

**Кутбидин БУРХАНОВ,**  
**Олий Мажлис Сенати**  
**Мудофаа ва хавфсизлик**  
**масалалари қўмитаси раиси**

## БИР ҲОВУЧ ДУР

● Оламда фақат бир нарсанинг уруғи – яхшилиқнинг уруғи сочилган майдондан эмас, бошқа ердан униб чиқади...

● Қилинган яхшилиқ нур каби яхшилиқ қилгувчидан ажралиб, тарқалиб кетади. Қилинган ёмонлик эса ёмонлик қилган кишининг этагини охиратда ҳам қўйиб юбормайди...

● Ўзидан кучли шогирдни тарбияламаган устоз ҳақиқий устоз эмас...

● Берадиган билимининг ҳаққини китоб олдин, муаллим кейин олади...

● Буюклик одамлардан юқори бўлиш эмас, балки уларнинг қалбига йўл топиб, абадул-абад у ерни макон қилиб қола билишдир...

● Ҳатто Ер ҳам ҳаракат қилишдан бир зумга тўхтамайди...

● Барча хазиналар жасоратли одамлар юрадиган йўлларгагина кўмилган...

● Уйқусига халал бераётган бир чивинни тутган овчи бир шерни тутган овчидан кам роҳатланмайди...

● Босимни ошириб юборсанг ёғоч ҳам қарс этади, қурбақаям вақ этади...

● Яшаш жуда кўрқинчли, чунки ҳаёт жуда ширин ва гўзал...

● Шундай яшагинки, ўлганинга дўстлар, диндошлар билан бирга душманлар, ғайридинлар ҳам кўз ёш тўксин.

● Биллур синиб қолмаслиги учун қанчалар нозик ҳаракат қиламиз. Фарзандларимиз, набираларимиз биллурдан ҳам нозик эканини назарда тутиб муомалада бўлишимиз керак. Биллур синса ёки бир чети учса, чегалаб бўлмаганидек фарзанд, набираларнинг ҳам дили оғриса, чегалаб бўлмай қолиш мумкин...

● Ҳар қанча улкан бўлмасин илдиридан айрилган дарахт кўп ўтмай қурийд.

● Ўзини мажбурлаб қилинган яхшилиқ чин кўнгилдан қилинган яхшилиқдан неча чандон устун туришини биласизми!?

● Олтин қулф на ўзини, на хазинани кўриқлай олади...

● Оламда ёруғлик нури этиб бормаган ёки этиб бормайдиган зулмат йўқ.

● Тош бошга тегса ҳам, бош тошга тегса ҳам бош ёрилади...

● Ёзининг қоқиси – кишининг дориси.

● Мени соғиниб кўргиси келган одам менинг дўстим.

● Ватан учун ўзини ва ўзгаларни беҳуда ҳалок бўлмаслик йўлларини қидириш авваламбор донолик, қолаверса, ҳақиқий мардлик ва ватанпарварликдир.

● Кўз кўрган гўзалликни қалб инкор қилиши мумкин.

● Кўнглинг қолган одам ҳар қанча гўзал бўлмасин, кўзингга ундан кўра хунуқроқ одам кўринмайди.

● Баъзан шамол ҳам йўлидан адашиб, йўл тополмай қолади.

● Яхши ҳамроҳи борнинг кўзи тўртта, ёмон ҳамроҳи борнинг кўзи тўрт бўлади.

**Мансурхон ТОИРОВ**

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

# «ОҚҚУШ СУЗГАН СУВ СУЛУВ»

Тўрт-беш йил муқаддам хизмат сафарларининг бирида ҳарбий қисм кутубхонасида «Jahon adabiyoti» журнаliga кўзим тушди. Қадрдонимни кўргандек севиниб кетдим. Демак, бу бебаҳо журнал ҳарбий хизматчиларимиз учун ҳам бегона эмас.

Мен бу журнал ҳақида узо-ооқ гапиришим мумкин. Аммо бундан тийиламан, кийин бўлса-да. Шунда ҳам Ватан ҳимоячилари орасида унинг ўқувчилари сони янада кўпайишини истардим. Чунки дунёнинг энг сара, энг асл асарлари унда она тилимизга чевирилади, адабиётимизни бойитади, кўнгилларимизни бойитади. Чевирилганда ҳам шунчаки чевирилмайди, Сўзнинг ҳақиқий усталари томонидан чевирилади.

Ҳарбий қисм кутубхонасининг афзаллиги шундаки, у ўз бойликларидан, маънавий хазинасидан қисқа вақт ичида кўпларни баҳраманд эта олади. «Jahon adabiyoti» журнаli ҳар қандай кутубхонанинг кўрки. Ундан унумли фойдаланинг, бир вақтнинг ўзида бир неча асл асарлардан, дунё миқёсида танилган адиблар ижоди билан танишасиз, баҳраманд бўласиз.

Узр, сўз сеvimли китобларим, газета-журналларим ҳақида кетар экан, бироз асосий мавзудан чалғиб кетишим рост.

Бугун азиз ўқувчиларимизга атоқли қозоқ шоири Эсонғали Равшановнинг «Қушлар бизнинг дўстимиз» насрий тўпламини тавсия қилмоқчиман. Юқорида нега «Jahon adabiyoti» журнаliga тўхталганимни изоҳлаб ўтмоқчиман. Ушбу тўпландан бадиаларни илк марта шу журналда ўқиганман. Кейинги йилларда журналда босилган кўпдан-кўп асарлар китоб ҳолида ҳам ўқувчилар кўлига етиб борди. Демак, ўқувчиларимизда иккита имконият бор.

Қозоқ шоири деяпмиз-у, аммо Эсонғали Равшанов ўзимизнинг Қорақалпоғистонни Хўжайли шаҳрида туғилган. У ўзбек адабиётининг Қозоғистондаги жонкуяр тарғиботчиларидан саналади.

Бугун она табиатга муносабатимизда ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар, қарашлар бор. Шаҳар-қишлоқларда дарахтларнинг ўйловсиз кесилишига қаршиликлар, ҳайвонот дунёсидаги ноёб ҳайвонлар, қушларни асраб қолишга уринишлар, бунга кенг жамоатчиликнинг жалб қилинаётганлиги кишини мамнун қилади.

Мен китоб варақлаётганимда диққатимни ўзига тортадиган нарсалардан энг биринчиси эпиграфдир. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Деярли барча бадиаларда эпиграф келтирилган. Масалан, «Оққуш сузган сув сулув»да шундай эпиграф келтирилади:

«Қорабовур қашғалдоқ, қайт орқанга, қайта қол, Ғамга ботган тўқайнинг ҳолин сўра, кўнглин ол».

Айнан шу нарсаси ҳар бир ўқувчининг эътиборини жалб қилишга қодир. Бадиалар маъзи ана шу икки қатор мисраларда очилади, асли. Китобда бир қатор афсоналар, эртаклардан фойдаланилган. Ва айрим юракни ачиштирадиган ҳолатлар ҳам қаламга олинган. «Оққуш сузган сув сулув» бадиасида шоир шивирлоқ оққуш ҳақида меҳр билан ёзади. Шоир Олмаотада «янги қозоқлар»дан бирининг уйда шивирлоқ оққушни кўрганини шундай ёзади:

«Катакнинг бир чеккасида ётган картон қутини кўрдим-у, ҳайратдан қотиб қолдим. Бу ўшанда, Оқтов аэропортида ўзим самолётга кўтариб чиққан картон қути эди. Уни менга кўтартирган чиройли қизнинг исмини ҳам сўрамаган эканман. Сўраганда нима ҳам қилардим. Пулнинг қудрати билан Оқтовни айририб, Қоратовни қайририб турган манов ошнамнинг айтишига қараганда, бугунги кунда шаҳар чеккасида қад кўтараётган «янги қозоқлар» эрча вилла, фазендаларида «кичик ҳайвонот боғлари» бор экан. Уники уларнинг олди ҳам, кейини ҳам эмасмиш... Гапни чувалатмасдан ошнам билан хўшлашдим. Юракларим оғриб кетди.

Биз, ота-боболари «Оққушни отиб бўлмайди», «Оққуш сузган сув сулув», «Оққушнинг ёнида япалоққуш ярашармиди», «Оққушга ўқ узма – увовли тутати», «Оққуш билан дўст бўлсанг, йўлинг оқ бўлар», «Оқ деганда, ғоз ҳам оқ, лекин ғоз, оққуш эмас» каби мақоллар айтган қозоқнинг фарзандлари кейинги ўн-ўн беш йилда бутунлай ўзгариб кетганимизни биламизми?! «Элингга савдо киради, савдо билан ёв-да киради, дов-да киради», деган экан донишманд Матчон бий. Савдодан келгани мана шу экан деб, етти отамизу етмиш етти бобомиз кўл кўтариш у ёқда турсин, кўз олайтириб, озор беришдан ўзини сақлаган

муқаддас нарсаларни оёқости қила бошладик. Савдо билан кирган ёв ким? Ким эмас, нима? Бу ўзимизнинг нафсимсиз эмасми?!»

Бадиалардан яна бири «Қалдирғоч». Бу мен учун энг сеvimлиси. Чунки бу жасур қушга меҳрим баланд. Бундаги эпиграф С. Жиянбековнинг «Қалдирғоч»идан олинган: «У ҳам сенингдек бировнинг жигарпораси».

Шоир ёзади: «Қалдирғочга нисбатан халқимизнинг ихлоси ўзгача. Бир образни қирқ бор турлантириб, бирда хасис, бирда сахий, бирда меҳрли, бирда қаҳрли, бирда шакар, бирда заҳар ҳолатда тасвирлайдиган халқ оғзаки ижодида ҳам қалдирғочга бўлган иззату эътиқод ўзгача бўлган».

Шундан кейин «Қалдирғоч» эртаги келтирилади. Унга кўра қўй боқиб юрган болани Айладири деган элнинг қароқчилари ўғирлаб кетади. «Қул боғлаганга сўров йўқ, қултемирга буров йўқ» деб унга оғир ишларни қилдирадилар. Бу ерда эртакни батафсил келтириш ниятим йўқ. Фақат очлик, хорликда қийналган бола оҳини бир неча қушларга айтса-да, фойдаси бўлмайди. Биргина қалдирғоч...

Келинг, гўзал бадианинг бир парчасини ўқиб кўрайлиг-а:

– Эй, қалдирғоч, қалдирғоч,  
Юрак мунгли, қорин оч.  
Қасал туя ётағон,  
Ёв сарбози қатағон.  
Ёвда ёлғиз қолдим-ку,  
Олтов туғиб отадан!  
Эй, қалдирғоч, қалдирғоч,  
Юрак мунгли, қорин оч,  
Менга ўхшаб бўзлайсан,  
Недан куйиб сўзлайсан?  
Билсам, менга мунгдошсан,  
Қулфатимда сирдошсан.,  
Туморимни ола қол,  
Манғистовга бора қол,  
Отам билан онамга,

«Боланг тутқун, деяқол, – деб қўйнидан туморини чиқариб, қалдирғочнинг қанотига қистирибди. Қалдирғоч кўкка кўтарилиб, бола айтган йўллар оша, ой қалқларини кўллар оша, одам юрмас чўллар оша, қанотларини тинмай қамчилабди, манглайдан тер томчилабди, қарчиғай, қирғий йўлин тўсганда, қояларни паналабди, япалоққуш, укки қувганда, ер бағирлаб зувлабди, туман қучган чексиз тоғлардан ошибди, Уст-Юрт усти кенг тақирдан шошибди. Ўғлонди деган оппоқ тоғ – Отаси унга кўнарди, қалдирғоч унга кўнмабди, ундан кейини Чўпон Ота, қанотлари толса-да, ҳолдан тойиб, ҳорса-да, қалдирғоч унда-да тинмабди, тутқун бола ҳолин ўйлабди, раҳмдил-да, қалдирғоч, қалдирғоч эмас, у сингил, у – дилпора, сингил қилса гар нола, зимистонлар чекина, сингилларнинг мардлиги мусибатда билинар...»

Ҳеч эътибор берганмисиз, шоирлар насрда ҳам шоирона ёзадилар, гўзал ёзадилар, юракни нишонлаб ёзадилар! «Қалдирғоч эмас, у сингил, у – дилпора...» Бу эртак эмас, мардлик қўшиғига ўхшайди. Ишонмасангиз, ўзингиз бир ўқиб кўринг-а!

Яна бир бадианинг номи «Улар». Мен биринчи марта ўқиганимда бунини одамларга нисбатан ишлатиладиган сўз деб билдим. Ўқиб кўриб билдим. Улар деган қуш бор экан, уларқуш дейилар экан.

Бу бадиа шундай бошланади: «Уларқуш ҳақида сўз кетганда, мен дарҳол 1986 йилнинг декабрь ойидаги қирғинда ўн гулидан бир гули очилмай хазонга айланган қизимиз Лаззат Асановани эслайман. У халқимизнинг мустамлака бўлиб яшашига қарши чиқиб, шу йўлда ўлимни афзал билган чинакам қаҳрамонлардан. Аллоҳ Таоло унга саккиз жаннатнинг барча эшикларини очгай! Ўзи ҳалок бўлса-да, халқимизнинг эркесвар, озод руҳи мангу барҳаётлигини яна бир бор исбот этиб кетди у.

Улар тузоққа тушиши биланоқ нобуд бўладиган эркесвар қуш».

Бу бадида уларқуш ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Эътиборли томони шундаки, бу ерда халқ оғзаки ижодидан моҳирона ва унумли фойдаланилган. Айниқса, «Қилтузоқли Уларбек овчи» эртаги ғоят ибратли. Бу айрим жиҳатлари билан «Чўққиди қолган овчининг оху зори»га ҳам ўхшаб кетади. Бунини ўқиб кўрсангиз, ўзингиз баҳо берасиз.

Тўпландаги яна бир бадианинг номи «Лайлак». Бунинг номиёқ болалик хотираларимни уйғотиб юборган. Илгари лайлаклар кўп бўлар эди. Болалигимда кўрган лайлакларни эндиликда тушдек эслайман. Қишлоқда кўп бўларди, одамлардан унчалик ҳайиқмасди, инларини қовлаштириш хаёлимизга ҳам келмаган. Худди ёнимиздаги одамлар каби дахлсиз, ўз ҳаёти билан яшаган лайлаклар. Етмишинчи йилларнинг охирига келиб, улардан асар қолмади. Дарё ёқаларида яккам-дуккам кўринадигани ҳозир – воқеа, «лайлак кўрдим» деган.

Китоб ҳақида узоқ гапириш мумкин. Гапирмайлик, ўқийлик. Бу тўплам жавонингиздаги жавоҳирлар сонини оширади, фарзандларингиз учун қимматли тўхфа, оила жамулжам лаҳзаларнинг файзи бўлиши шубҳасиздир.

Қачонлардир бир-биримизни таржимонсиз англарилик. Бугун таржимонга эҳтиёжимиз бор. Бу қимматли китоб таржимони Меҳмонқул Ислонқуловдан миннатдоримиз.

Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»



## ЙЎЛЛАРДА ҲУШЁР БЎЛИНГ!

Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида вазирлик таркибий бўлинмалари билан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» доирасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўқув семинари бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Республика ва Тошкент ҳарбий прокуратураси ҳамда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган мутасаддилар томонидан 2019-2020 йил давомида ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва хизмат автомобилларида содир этган йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда уларнинг асосий сабаби ва оқибатлари, ҳайдовчи ва пиёда масъулияти, нотўғри ҳаракатланиш туфайли рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар, мамлакатимизда аварияларнинг олдини олиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар, соҳада жорий этилаётган янгиликлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, иштирокчилар мавзу

доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

– Ушбу семинар машғулоти ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчиларининг йўлларда хоҳ автомобилда, хоҳ пиёда бўлсин, ҳаракатланиш чоғида ҳушёрликларини ошириш, уларни огоҳликка, эҳтиёткорликка даъват этишдир, – дейди Мудофаа вазирлиги Ҳарбий автомобиль назорати инспекцияси бошлиғи подполковник Баҳодир Аннаев. – Агарда ушбу қоидаларга барча бирдай амал қилганда эди, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг бутунлай камайишига эришилари.

**Мудофаа вазирлиги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
департаменти**

Юнусобод туманида жойлашган 271-умумтаълим мактабида ўқувчилар ва Қуролли Кучлар Моделлаштириш ва симуляция бўйича ахборот технологиялари махсус маркази ҳарбий хизматчилари ҳамда Мудофаа вазирлигига қарашли спорт маркази спортчилари билан «Ёшларни ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаймиз» шиори остида учрашув бўлиб ўтди.

## ШАРОИТ ЯРАТИЛСА – ИМКОНИЯТ ТОПИЛАДИ!

Бу мактабни кўпчилик юртдошларимиз билса керак. Сабаби бу таълим муассасасида таҳсил олган ва олаётган ўқувчилар орасидан спорт бўйича жаҳон ва Осиё чемпионлари етишиб чиққан ҳамда етишиб чиқмоқда. Тўғри-да, яратилаётган шароитлардан тўғри фойдаланиб, баланд чўққиларни забт этаётган ёшларга ҳарбий хизматчилар иштирокидаги учрашувлар катта мотивация бераётган бўлса не ажаб. Чунки ҳарбий хизматчилар билан бўлиб ўтаётган тадбирлар спорт мусобақаларисиз ўтмайди.

Анъанага содиқ қолган ҳолда бу сафар ҳам спортнинг арқон тортиш, эстафета, винтовкадан ўқ отиш, дартс, баскетбол ва гандбол йўналишларида мусобақалар ташкиллаштирилди. Мусобақада мактабнинг 9-синф ўқувчилари беллашдилар. Ўтаётган мусобақалар шаффоф бўлиши учун унга халқаро тоифадаги спортчилар ҳакамлик қилишди. Ўғил болаларга



винтовкадан ўқ отиш мусобақаси жуда манзур бўлган бўлса, қизлар дартс йўналишидаги мусобақани ҳис-ҳаяжон билан ўтказишди. Арқон тортиш мусобақаси барча учун бирдек ҳаяжонли бўлди. Тадбир якунида мусобақа ғолиблари ва фаол иштирокчилари ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик, эсдалик совғалар ва спорт марказининг янги татбиқ этилган кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

**Ш. ШАРИПОВ**

### МАЛАКА ОШИРИШ

Ҳар қандай иншоотнинг пойдевори мустаҳкам бўлса, унинг узоқ йиллар суронига дош беришига шубҳа қолмайди. Шу каби мамлакатнинг тамал тошини ҳам етук малакали кадрлар таъминлаб беради. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти Малака ошириш факультетида Мудофаа вазирлиги кадр органлари офицерлари учун навбатдан ташқари курслар ташкил этилди.

Курсларнинг якуний имтиҳонларидан кўкрак нишонларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Тақдирлашда иштирок этган Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари давлатимиз раҳбари ислохотларни амалга ошириш учун янги авлод кадрлари кераклигини бот-бот такрорлаётганини, бу каби курсларда малакасини оширган мутахассислар келажакда кенг кўламли Ҳаракатлар стратегиясига муносиб улуш қўшишлари лозимлигини тилга олдилар.

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КАДРЛАР

Курсни муваффақиятли тамомлаган мутахассислар икки ҳафта давомида тўплаган билим, тажриба ва кўникмаларини амалиётга татбиқ этиш ниятида хизмат жойларига тарқалишди.

**Абдуллоҳ ЎКТАМҚУЛОВ**



КИМ ЮРТИДАН ЁВНИ ҚУВСА, МЕНДИРМАН ЎША!



# МАНГУБЕРДИНИНГ

## МАНГУ

## ҚУШИҒИ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Валиаҳдликдан айрилгани билан дўстларидан айрилмаган одам ҳали куч-қудратга эгадир. Дўстлик, аслида, ҳар қандай ўтқинчи мансабу шоҳликдан ағлодир. Жалололдинни қўллагувчи, уни доим тушунгувчи сафдошлари ҳам кўп бўлиб, улар баҳодир тоғсиз қолганида ҳам ёнида бўлди. Унга тўғри йўл ва куч бағишлади, бирга жангга кирди, бирга жон берди, қон кечди, Ватан учун курашди. Айниқса, давлатга душман хавф солиб турганда ўзаро бирлик кўп нарсаларни ҳал қилади, айирмачилик эса душманга қўл келади, ёғини бирлик йиғлатади, тўғриши — қулдиради.

Драмада тарихчи Насимий Добрази яхши ҳаракатга эга. У ўзининг ақлли қарорлари, иродали гап-сўзлари ва Жалололдинни доим қўлловчи шахс сифатида ажралиб туради. Жалололдинга шоҳнинг орсизларча қилиқлари, жанг аввалидаги хатти-ҳаракатларидан хафа бўлмасликни ўқтириб, «Бетож ҳам сиз сардор, сиз — Жалололдин!» дея уни руҳлантиради.

Эл-ўлка соғ бўлсин, тоғ келиб кетар!

Калла омон бўлса, соч келиб кетар.

Жалололдин эса турли ўйлар ичида қолади. Бир томонда ота, бир томонда Ватан. У ўзининг махсус тайёрланган кучли лашкарини жангга ҳозирлар экан, бунча катта қўшиннинг таъминоти ҳақида ўйлаб қолади. Ахир қўшинни ойлик маош, еб-ичиш билан таъминлаш керак. Шунинг учун у тахт ворислигидан айрилса ҳам хазинадан қўшин учун пул сўрайди.

Драмада Жалололдиннинг аччиқ руҳий ҳолати моҳирлик билан чизилган.

**Жалололдин:**

Одамлар ўйларки, бўлмаса тоғим,  
Қаландар бўлурман қолмас иложим,  
Бечора отам-чи, фаҳми шунча кўр,

Билмаски шу билан тахтга қазир гўр...

У отасини яхши бир фарзанд ўлароқ яхши кўради, ҳурматлаб, унинг айтганларини бир қонун сингари қабул қилиши шартлигини англайди, аммо Ватан баридан устун. Ахир минглаб жонлар уларга ўз тақдирларини тикиб турибди. Эртага Ватан бой берилса, минглаб гўдақлар отасиз қолиши, элсиз дайдишидан даҳшатли нарсаси борми?

Ватан отадан устун келади.

**Жалололдин:**

Отам азиздур ёки салтанат?  
Кўп оғир масала.... Куфр албат —  
Отага қарши кўтармоқ исён.  
Айём хатарноқдир бу менга аён.

Эл узра булутлар келса ҳаводан,  
Майдонга кирмайми қўрқиб балодан?  
Йўқ, келсин бўронлар, ёғсин тошлар ҳам,  
Булар назаримда саҳарги шабнам.

Албатта, жон азиз, ота азиз, буни ҳеч ким инкор қилмайди. Қўрқув бор, хавфда қолганимизда чалғитувчи, бизнинг танзимизни ширин кўрсатувчи кўпгина сабаблар топилади. Улар бирин-кетин кўз олдимиздан ўтади. Аммо бу қўрқувни ўлдириш керак, мардлар Ватанига хавф туғилганда, кўкрак тутати, орқа эмас, ўзига

отиладиган тошларни шабнам билади. Барча қийинчиликларга чидайди, ҳатто азиз билган отасига қарши туришга ҳам мажбур бўлади.

**Жалололдин:**

Бу гал ўхшамайди отага ўғил,  
Мулк аҳли мўғулга сира бўлмас қул,  
Туғилдим қиличу қалқонга хуштар,  
Бўлай ғаним узра мисоли аждар,  
Хазар айламанман, девдан, шайтондан,  
Ҳатто Азроилдан, ҳатто Яздондан.

Шу ўринда воқеалар ривожланиб, кескинлашиб бораверади. Жалололдиннинг тахт ворислигидан олингани ҳаммага тарқалиб бўлганди, шунинг учун хазинабон унинг валиаҳдлик муҳри йўқлиги учун олтин бера олмаслигини айтади. Шунда Жалололдин ўшқириб, қиличини яланғочлайди ва мана менинг муҳрим, дея шамширини кўрсатади, сўнг тарихчи дўсти Насавийга: «Хазинанинг бор-йўғи ичи, муҳр билан топилганми дейсан, тарихчи?»

Хазинабон қўрқиб кетганидан чопиб чиқиб кетади.

Драмадаги яна бир довурак қаҳрамонлардан бири қария Элборсдир. Унинг келишини эшитганида Жалололдин юзидан қувонч порлайди, чунки бу паҳлавон билан бир неча жангларда музаффар бўлган, унинг қаҳрамонлиги, қувноқлигидан баҳраманд бўлган. Уни саркарда «Отахоним қадимги чўпон» деб ҳам эъзозлайди.

Элборс, албатта, яхши хабар билан келмаган. Сирдарёни мўғул босганидан хабар беради ва душманни таърифлайди.

**Элборс:**

Подамизга кирган бўри ниҳоят катта,  
Мўғул босди Сирдарёни...

**Жалололдин:**

Ҳой кекса чўпон,  
Бўри кирар бўшанг бўлсанг,  
Дарҳол Темур Маликка элт албат посбон,  
Хўжанд бўлсин ёвга қарши биздан бир фармон,  
Найни бекит, ёнига ҳам битта баҳайбат қўрғон.  
Чўпон ота, ҳунар кўрсат,  
Ханжар ос,  
Бўриларни бос!

Шу ўринда қариянинг жавобини эшитган ҳар қандай йигит унинг шахту мардоналигига ҳавас қилади. Аслида эркак бўлиб туғилган ҳар бир одам шу чол сингари ҳимоя қилмоғи керакмасми Ватанни? Шунда душман ўта оларми бир қадам?

**Элборс:**

Бадахшоннинг кўппагидай бўлиб мен ёвуз,  
Йиртиб, бўғиб ташлағайман ёвни аёвсиз!

Бадахшон кўппаги азалдан катта ва йиртқичликда бўрига мисол бўлган. Ва элни қўриқлаётган ҳар қандай сарбоз душманга қарши ёвуз бўлмоқлиги кераклигига ишора қилинади бунда.

Жалололдиннинг охириги сўзларида ҳам дард, ҳам афсус, ҳам умид бор. Бу Шайхзоданинг нақадар сўзни теран тушуниши ва ўз ўрнида бера олиш маҳорати билан боғлиқ, албатта! У қарияни кузатар экан, шундай дейди:

Дўстлар бирга эдик тўйда, азада,  
Яна энди ҳамсаф бўлсак қонли газода!

Ўзбек бирликни, тўқликни севадиган, қадрлайдиган эл. Бу юртнинг мардлари бор экан, Жалололдиннинг мангу қўшиғи ҳам тинмайди.

**Жавлон ЖОВЛИЕВ, ёзувчи**

## УРУШ ЛАРЗАЛАРИ

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига не-не кулфатларни олиб келмади. Қўлида қурол кўтара оладиган эркак зоти борки, фронтга сафарбар этилди. Фронт ортида қолиб, эркаклар бажарадиган ишларни қиз-жувонлар, қариялар, мактаб ёшидаги болалар ўз зиммасига олди. Ҳукумат раҳбарлари ҳам душманга қарши қон кечиби, жон олиб-жон бераётган жангчиларимизга озиқ-овқат, мева-чева ва гўшт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақида қайғуга тушган дамлар...

Фронт ортида қаҳатчилик кучайиб борарди, нон олишга ҳам карточка сиёсати жорий қилинган. Одамлар нон олиш учун сахарлаб дўкон олдида навбат кутишар, жон сонига қараб нон олишарди. Уруш бўлаётган жойлардан эвакуация қилинганларни

# ТОШБАҚАЛАР ЙИҒИСИНИ ЭШИТГАН ОДАМ

(воқеий ҳикоя)

Тинчлик кунларида урушни ёзмоқ,  
Уруш деганларга чуқур гўр қазмоқ.  
Ҳамид Фулом

уй-жой билан таъминлаш, айниқса, етим болаларни ўзбек хонадонларига тақсимлаш ишлари авж олган.

Ўзбекистон Марказқўмининг биринчи котиби Усмон Юсуповнинг зиммасида юқоридаги ишларга бош-қош бўлиш масъулияти тинчлик бермасди. У бор имкониятларни ишга солиш, турли йўллари йўлаб топиш учун тинимсиз бош қотирарди. Фронт ортидаги олимлар билан маслаҳатлашар, мутахассисларга йўл-йўриқ излашларига даъват этарди. Фронтга гўштни консерва ҳолатда етказиш масаласи анча оғир эди.

Усмон ота таниқли олим, академик Теша Зоҳидов билан суҳбатлашди. У кишининг сўзларини тинглаб, қатъий бир қарорга келиш лозимлигини англаб етди. Олимнинг фикрига кўра, тошбақа гўштининг қуввати товук гўштининг кучини бераркан. Нима қилиш керак? Бу ишни қаерда амалга оширсан бўлади? Тошбақа асосан дашт ва чўлларда кўп бўлади. 1942 йилнинг баҳори кириб келмоқда. Тошбақалар ер юзиде ўрмалайдиган пайт.

Қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Усмон ота хаёлини тошбақа масаласи чулғаб олганди...

Бу режани тезроқ амалга ошириш учун Мўйноқ танланди. Фикрни академик Теша Зоҳидов қўллаб-қувватлади. Далада тошбақа териш ёш боланинг ҳам, хотин-халажнинг ҳам, қарияларнинг ҳам қўлидан келади, деб ўйлади Усмон ота:

– Теша Зоҳидович, сизга ҳукумат вакили сифатида бир йигитни ҳамроҳ қиламан, – деди-ю, телефон гўшагини кўтариб, қўнғироқ қилишга шайланди.

Азизжон диплом ҳимоясидан кейин гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай ўзини анча енгил ҳис этиб, ишга шўнғиган дамлар, чамаси, март ойининг охири эди. Тун. Соат 24:00. Яна бироз ишлаш ниятида қоғозлар орасидан Фарход ГЭСига оид маълумот ва чизмаларни синчиклаб кўра бошлади. Шу пайт махсус телефон қаттиқ жиринглаб қолди. Азиз Ҳақимович гўшакни қўлоғига тутуши билан Усмон Юсуповнинг таниш овозини эшитди.

– Азиз, сенмисан?  
– Ҳа, менман, Усмон Юсупович!  
Азизжон сергак тортиб, ўтирган ўрнидан туриб кетди.

– Бўш бўлсанг, тез кир бу ёққа!  
– Хўп бўлади, ҳозир бораман, – деганча Азизжон гўшакни жойига қўйиб, биринчи котиб ҳузурига шошилди. Йўл-йўлакай ўйлади: «Бу одамнинг жони темирданми дейман, дам олишни хаёлига ҳам келтирмайди-я. Тўғри-да, уруш боряпти, ахир. Ҳамма безовта,

фронт ортидаги ишлар, Фарход ГЭСи қурилиши, фронтга озиқ-овқат, кийимлар жўнатиш... Кун бўйи борманган корхонаси, идораси қолмайди. Шофёрнинг ҳам жонига тўзим берсин. Усмон Юсуповнинг ғайрати ўта тошқин дарё, дейсиз. Юрганда ҳам жуда тез, шахдам қадам ташлайди. Гавдасига қараганда, у кишини шунчалик чаққон ҳаракат қилади, деб ҳеч ким ўйламайди»...

Азизжон шу каби хаёллар оғушида Усмон Юсуповнинг иш хонасига яқинлашаркан, эшик очиклигини кўриб, бир дам тўхтаб қолди. Ичкарида кимдир бор. Усмон ота ўрнидан турганча қўли билан нималарнидир кўрсатиб, суҳбатдошига уқтирмақда эди. Азизжон эшикка рўпара келиши билан унга кўзи тушган Усмон Юсупов:

– Кир, киравер, – деди-да, суҳбатдошига қараб, – Мана шу йигитчани айтгандим сизга, домла, – деди. Сўнг Азизга юзланди:

– Қани, ўтир, домланинг ёнларига ўтир. Азиз, бу кишини танисанг керак. Йирик олимимиз Теша Зоҳидович Зоҳидов.

– Ҳа, танийман.

– Сиз иккалангизга жуда муҳим топшириқ бор, жуда муҳим, ҳа! Хабарингиз бор, ҳозир озиқ-овқат масаласи шу куннинг ўткир муаммоларидан бўлиб турибди. Шунинг учун сизларни Орол денгизига жўнатаман. У ерда Мўйноқ балиқ консерва заводи бор. Шу заводда маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишчи кучи етишмаяпти. Балиқчиларнинг кўпи фронтга, жангга сафарбар қилинганлиги учун иш суръати анча пасайди. Мана, ҳозир баҳор фасли бошланяпти. Бу деган сўз – тошбақа мавсумининг бошланиши, дегани. Шу Мўйноқ балиқ консерва заводи базасида академик Теша Зоҳидовичнинг илмий усулида тошбақа гўштидан консерва тайёрлашни йўлга қўясизлар. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, қўлидан тошбақа териш келадиган инсонларнинг ҳаммаси жалб этилиши шарт! Сал куч-қуввати борлари, жонлироқларини завод ишига жалб этиш зарур. Маҳсулотни бир ойга қолдирмасдан истеъмолчиларга етказишни таъминлайсизлар. Мен иккалангизга ҳам ишонаман. Шунинг учун бу муҳим топшириқни зиммангизга юклайман. Эртагаёқ йўлга чиқасизлар. Бирингиз мутахассис олим, бирингиз Марказий қўмита вакили сифатида ишга киришиб, ўн кун ичида менга ҳисобот берасизлар. Хохласангиз, ҳозирок Қорақалпоғистоннинг биринчи котибига бу ҳақда кўрсатма бераман. Сизларни чақиримдан

муддао мана шу эди. Менга савол, таклиф ва илтимосларингиз бўлмаса, сизларга рухсат, ишга киришинг.

Теша Зоҳидов ва Азиз Ҳақимович ўринларидан туришаркан, Усмон Юсупов столни айланиб ўтиб, ҳар бирининг қўлини сиқди. Ишларига муваффақиятлар тилаб, эшиккача кузатаркан:

– Сизларга оқ йўл, омад тилайман, – деганча кулимсираб қараб қолди...

Эртасигаёқ самолётда Теша Зоҳидов ва Азиз Ҳақимович Нукусга келиб қўндилар. У ердан тўғри биринчи котиб Собир Камолович Камолов ҳузурига боришди.

Ниҳоят, иккала вакил Мўйноқда. Уларга қора кигиз ёпилган ўтов тиклаб беришди.

– Сизларнинг штабингиз шу ер бўлади, – деди завод директори.

Шу кўйи ишга киришдилар. Дастлаб, тошбақалар сақланадиган ҳовузларни мўлжаллашди ва каттакон қозонларни ўрнатишди.

Мўйноқ ўша вақтларда уч томони денгиз билан ўралган қуруқлик – яриморол эди. Бу ерда баҳор келгани билан ҳали кун ёзилиб кетмаган, қиш ва баҳор ҳавосининг омухта изғирини қалин кийиниб олишганига қарамай, этни жунжиктирарди. Меҳмонлар ўтов кулбаларига чўян печка ҳам ўрнатиб олишди.

Заводда тошбақаларга мўлжалланган ҳовузлар битиши ҳамано даладан тошбақалар қарвони кела бошлади. Тошбақа гўё қайнаб чиқарди. Ҳовузлар тошбақага тўлиб кетиб, қозонга ташлаб улгуролмаган кунлар ҳам бўлди. Тошбақанинг гўштини касасидан ажратиш олиш қийин, бунинг устига бу жонивор ўзини ҳимоя этиш учун бош-оёқларини косаси ичига тортиб олади, уни коптоқ қилиб тепкилаганингиз билан на оёқларини, на бошини чиқаради. Жон ширин-да... Қайси бир жонзот ўз бошини шундай кундага қўйиб берарди, дейсиз...

Ишнинг осон кўчиши учун катта цилиндр қозонда сув вақиллаб қайнагач, паншаха билан тошбақалар тўрвага солиниб, қозонга ағдариларди. Қайнаётган сув даҳшатли товуш ва важоҳат билан уларни аждарҳо мисол ўз домига тортарди. Жаҳаннам қозонига тушаётган хокисор ва гуноҳсиз тошбақалар тўрт оёғи ва панжаларини ёзиб, бўйинини чўзаркан, даҳшатли ҳолатни кузатиш мумкин эди...

Ишчилар қозонга тушиб чиққан тошбақаларни ошпичоқда осонгина икки паллага бўлақлашар, гўштини ажратиб, бўйин ва оёқ териларини қўй терисини шилгандек сиқиб олишарди. Бошқа цехда гўштни марганцовка сувада ювиб, навбатдаги цехларда тайёр маҳсулотга айлантиришарди. Сўнгра тунука банкаларда қадоқланарди.

Вақиллаб қайнаб турган қозондаги тошбақаларнинг аянчли чинқириғига сира чидаб бўлмасди. Қўлоқларини беркитиб олган Азиз Ҳақимовичнинг

кўзларидан ёш думаларди... Томоғига қаттиқ тош мисол бир нарса текилгандай... Одамлар орасидан сал четга чиқар, чуқур нафас олиб, ўктам бўлишга уринарди.

Ўша оқшом Азиз Ҳақимович тўлғаниб ухлай олмади. Теша акада ҳам шундай ҳолат кечаётганини каравотнинг тез-тез ғичирлашидан сезди. Лекин гап қотишга ботинадиган куч, мадор йўқ эди унда. Субҳидамга қадар Азиз Ҳақимовични хаёл тулпорли қаёқларга олиб қочмади, дейсиз...

Агар уруш бўлмаганида, бу жониворлар ҳам ўз ризқини териб, еб яшаб юрарди-ку. Аблаҳ фашизм нафақат инсониятга, балки табиатга ҳам катта зарар етказмоқда. Биз одамларни, жангчиларни очликдан сақлаш учун, уларнинг яшаши учун бу ишга қўл урдик, виждонимиз қийналмоқда. Фашистлар эса одамзотни қандай қилиб ўлдириш йўллариини ихтиро қилмоқда. Жодида бошини кесгани етмагандай, махсус печда тириклайин одамларни ёқиш... Нақадар даҳшат!!!

Биз бу ерда шовқинсиз аҳён-аҳёнда пиш-пишлаб юрган бир жониворнинг қайноқ сувада чинқиришига юрак-бағримиз эзилиб кетаяпти. У аблаҳлар одамзот қичқириғига қандай бардош бераркин? Мана буни ваҳшийлик, ўта тубанлик деса бўлади. Тавба...

Ахир ўз қўлоқларим билан эшитдим, тошбақаларнинг йиғи овозини! Уларнинг чинқириғи икки-уч кунлик чақалоқларнинг йиғи овозига ўхшаб кетаркан. О, қандай даҳшат! Ана шуниси бутун вужудни янчади, эзади, қалбга тинчлик бермайди. На уйқу, на ҳаловат бор. Нима ҳам қилардим, чидаяпман. Тошбақаларнинг йиғиси қўлоғим тагидан кетмаяпти, айниқса, кечаси тинчлик бермаяпти. Бу кўрган изтиробларимиз албатта ваҳший душман устидан қозонилажак ғалабага туртки бўлишига ишонаман, деган хаёл билан ўзини зил-замбил ҳис этиб ётаркан, Азизжон тонг ёришаётганини сезмай қолди.

У кун бўйи қарахт юрди. Тошбақалар чинқириғи Азизжонга тинчлик бермасди. Ниҳоят, ўн беш кун деганда, дастлабки маҳсулот чиқа бошлади. Заводдаги ишлар изга тушиб, ўз маромида давом этарди...

Ўн бешинчи куни тайёр бўлган консерваларнинг бир қоғоз қутисини олиб, Теша Зоҳидович ва Азиз Ҳақимович қоронғи тушиб қолганига қарамасдан Тошкентга, тўғри Марказий қўмитага, Усмон Юсупов ҳузурига совға билан кириб келдилар. Биринчи котиб уларга пешвоз чиқиб, ўз миннатдорчилигини билдирди.

Азиз Ҳақимовичнинг қўлоқлари гўё сўзларни эшитмас, қандайдир чақалоқлар йиғисига ўхшаш овоз бутун вужудини тирнар эди... Ўша захотиёқ Усмон Юсупов бўлим бошлиқларини чақирди. Узи биринчи бўлиб маҳсулотни татиб кўрди, бошқаларга ҳам инъом этдилар. Яна бир карра Теша Зоҳидов ва Азиз Ҳамидовга кўпчилик номидан миннатдорчилик билдирди.

Бу кўргиликлар уруш давридаги фронт ортидаги изтиробли кунлардан бир шингил, холос. Шуларни ўйлаб, бу воқеий ҳикоямиз ёшларимизга сабоқ бўлиб, тўқликка шўхлик қилишларига барҳам берса, ажабмас.

**Норқул БЕКМИРЗАЕВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси**

**Илова**

Азиз Ҳақимович Ҳамидов 1918 йилда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани Сарой қишлоғида туғилган. 27 ёшида Ўзбекистон комсомоли МКнинг биринчи котиби ва кўп йиллар Ўзбекистон энергетика ва электрлаштириш вазири лавозимида ишлаган. 1996 йил 78 ёшида вафот этган.

## ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИДАГИ ТАЪСИРЧАН УСУЛ

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг Андижон вилоятида жойлашган ҳарбий қисм ташаббуси билан ҳамкор куч тузилмалари иштирокида ҳудуддаги 43 нафар уюшмаган ёшнинг ҳарбий қисмга ташрифи уюштирилди.

«Ҳарбий қисмдаги бир куним» шиори остида ўтказилган мазкур тадбир доирасида ёшлар учун 2 кунлик алоҳида кун тартиби ишлаб чиқилди. Эрта тонгдан бўлинмага келган ёшлар дастлаб ҳарбий қисмда юрт ҳимоячилари учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг эртаминг эгаларининг ўзларига ҳам ҳарбий уст-бош тарқатилиб, гуруҳларга бўлинди ва ҳар бир гуруҳга масъул командирлар тайинланди.

Саф тайёргарлиги машғулотлари ёшларнинг илк ҳарбий кўникмаларини ҳосил қилган бўлса, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардаларнинг жанг санъати бўйича ўтказилган ўқув машғулотлари уларнинг ҳарб иши тарихи борасидаги билимларини янада оширди. Ташриф давомида ёшлар юрт посбонларининг жанговар тайёргарлик машғулотлари, қўл жанги кўргазмалари чиқишлари, курул-аслаҳа ва ҳарбий техникалар намойишига ҳам гувоҳ бўлдилар.

Ташрифнинг иккинчи кунда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида «Уч авлод учрашуви» ўтказилди. Шунингдек, Шарқнинг икки буюк шоири ва давлат арбоблари – Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган «Назм ва наво» кечаси ҳам ташкил этилиб, барчада катта таассурот қолдирди.

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг Тошкент шаҳрида жойлашган бўлинмаси томонидан пойтахтимизнинг 106-мактаб-интернати ва 46-умумтаълим мактабидида икки буюк шоир ва давлат арбоби – мир Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган маънавий тадбирлар ўтказилди.

## БЕТАКРОР БОҒ МЕЪМОРЛАРИ



«Буюк аждодлар – бизнинг фахримиз» мавзусида ташкил этилган мазкур тадбирларда ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди. Шарқ адабиётининг икки йирик вакили ижодидан ўқилган шеър ғазаллар, уларнинг асарлари асосида намойиш этилган сахна ва бадий чиқишлар, шунингдек, эзуликка йўғрилган мумтоз куй-қўшиқлар барчани нафис адабиёт оламига ошно этди.

Таъкидлаш жоизки, Навоий ва Бобур ижоди туркий адабиётнинг энг юксак чўққисидир. Навоий туркий тил асосида бетакрор боғ яратиб, дунё аҳлини лол қолдирган бўлса, Бобур бу аънанани давом эттириб, назм гулшанидаги бепоён боғни чин маънодаги бўстонга айлантирган ва олис ҳинд юртида ҳам ижодкорларга раҳнамолик қилган. Шу боис икки буюк бобомиз ижоди яна кўп асрлар давомида ўрганилиб бораверади.

### «ЯХШИ КИШИ КЎРМАГАЙ ЁМОНЛИҚ ҲАРГИЗ»

Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган «Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз» мавзусидаги маънавий тадбир Мудофаа вазирлиги

Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигида кенг жамоатчилик вакиллари, таниқли санъаткорлар ҳамда ёшлар иштирокида ўтказилди.

Ўзбекистон

ва Қорақалпоғистон халқ артисти, таниқли актёр Муҳаммадали Абдуқундузов таъкидлаганидек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърятда ўзига хос ўрин тутган адиб, шоир ва олим бўлиш билан бирга, йирик давлат арбоби, саркарда сифатида кенг дунёқараши, ақл-заковати ила Хиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солган. Унинг «Бобурнома», «Мубаййин», «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши» каби асарлари ўрганилгани сайин ўқувчига ўз сирларини янада кенгроқ очувчи хазинадир.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар ва ўқувчи-ёшлар томонидан Бобур Мирзо қаламига мансуб нафис ғазал ва рубоийлар ўқилди. Шоҳ ва шоир ижоди, унинг машаққатли ҳамда юрт соғинчи ила кечган ҳаёт йўлидан ҳикоя қилувчи сахна кўриқлари, бадий чиқишлар, шунингдек, бобомиз ғазаллари билан басталанган мумтоз қўшиқлар ижроси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган бу каби тадбирлар буюк боболаримиз даҳосини янада те-ранроқ англашга, уларга муносиб ворис бўлишга ундаши билан аҳамиятлидир.

### Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги матбуот хизмати

## ЭКСКУРСИЯ

## ОБОД МАҲАЛЛА

## СЕРМАЗМУН УЧРАШУВ

«Эр йигитнинг эр йигитга айтган гапи таъсирли бўлади» шиори доирасида Яшнобод туманида жойлашган 230-67-умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмга ташрифи амалга оширилди.



Ёшлар экскурсия давомида ҳарбий акалари билан суҳбатлашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Тадбир якунида бир гуруҳ фаол ёшларга ҳарбий қисм қўмондонлиги ва ташкилотчиларнинг китоблардан иборат совғалари топширилди.

**Фурқат МАМАСОЛИЕВ,**  
Яшнобод тумани мудофаа ишлари бўлими бўлинмаси бошлиғи

## ҲАРБИЙЛАРНИНГ ИБРАТЛИ КЎМАКЛАРИ

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ тасарруфидаги Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари «Нефтчилар» маҳалласида жойлашган 30 та хонадонда истиқомат қилаётган оилалар уйларининг атрофларида ободонлаштириш ишларини олиб бордилар.

Ушбу хонадонлар 2019 йилда боқувчисини йўқотган, кўмакка муҳтож, ногиронлиги бор оилаларга топширилган. Ҳарбий хизматчилар томонидан 100 туп мевали ва манзарали дарахт ҳамда гуллар экилди, дарахтларни оқлаш ишлари амалга оширилди.

– Турмуш ўртоғим ва ўзим ногиронимиз. Бир нафар фарзандим бор. Мана бугун ҳарбий хизматчилар хонадонимга келиб, бўш турган ерларимизга ишлов бериб мевали-манзарали дарахтлар ҳамда гуллар экишди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Раҳмат ҳарбийларга. Улар байрам кунлари ва тадбирларда биздан хабар олиб, кўнглимизга таскин улашишади, – дейди II гуруҳ ногирони Ҳусан Худойбердиев.

– Бундай саховат ва кўмак тадбирлари ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари томонидан бошқа маҳалларда ҳам олиб борилмоқда, – дейди ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Пўлат Носиров.

**III даражали сержант Акбар АҲМЕДОВ,**  
Термиз гарнизони



## ЎТМИШ АЙЛАНТИРГАН ҒИЛДИРАКЛАР

Шу давргача бўлган тарих мобайнида инсоният томонидан жуда кўплаб қизиқарли ихтиролар амалга оширилган. Инсоният учун зарур бўлган оёқ кийимларидан тортиб, бош кийимларининг турли хиллари шулар жумласидандир.

Биз эса сизга ҳозирги кундаги автомобилларнинг ва оғир юкларни ташиш учун мўлжалланган юк машиналарининг, қолаверса, жанговар техникаларнинг аждоди ҳисобланган жанговар араванинг келиб чиқиши ҳақида маълумотларни этиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Жанговар аравалар қадимги дунё мамлакатларида, хусусан, Миср, Оссурия, Эрон, Рим, Грецияда кўп ишлатилган. Бундай аравалардаги жангчилар пиёда аскарларнинг олдида ёки ёнларида ҳаракат қиладиган махсус отрядларни ташкил этишган. Бундай отрядларнинг асосий вазифаси душман отликлари ва пиёда аскарларини мағлуб этиш мақсадида тартибсизлантиришдан иборат эди.

Кўпинча урушлар мобайнида қўшинларнинг умумий кучига қараб эмас, балки қўшин таркибидаги жанговар араваларнинг сонига қараб ушбу жангда ким ғалаба қозониши тахмин қилинган. Худди ҳозирги пайтда қурол-яроғ устунлиги ким томонда бўлса, ўша тараф ғалаба қозонгани каби. Тарихдан маълумки, айнан жанговар аравалар кўплаб жанглар тақдирини ҳал қилган (*масалан, милоддан аввалги XVIII асрда бўлиб ўтган Миср ва Гиксослар ўртасидаги уруш. Бу урушда Гиксослар жанговар аравалар устунлигига кўра ғалаба қозонган эди*).

Замонавий тарихчиларнинг фикрига кўра, биринчи аравалар милоддан аввалги 2300 йилда Месопотамия худудида қурилган, аммо бу тахминларнинг ҳужжатли далиллари йўқ. Бундан ташқари, агар сақланиб қолган барельефларни синчковлик билан ўрганиб чиқсак, биринчи араваларга отлар эмас, балки эшаклар қўшилган деган таассурот пайдо бўлади. Ушбу тахмин жуда тўғри, чунки биринчи отлар фақат милоддан аввалги II минг йилликда пайдо бўлган. Оссурия ва Миср жангчилари аллақачон ўзларининг араваларида баландлиги 160 сантиметр, вазни эса 500 килограмм бўлган отларни ишлатишган.



Вақт ўтиши билан аравалар такомиллашди, янги турлари пайдо бўлди. Тез орада уруш ва юк аравалари пайдо бўлди. Баъзи тарихчиларнинг фикрига кўра, аслида Месопотамиядан ташқари, Кавказда ихтиро қилинган аравалар ҳам бўлган. Аммо шуни таъкидлаш керакки, дизайни ҳам, қисмларнинг номлари ҳам бир хил бўлган.

Аравалар қуриш технологиясига келсак, у доимо ривожланиб келмоқда. Агар Месопотамияда пайдо бўлган биринчи араваларда камончилар ёки найза улоқтирувчилар жойлаштирилган жуда катта ва оғир платформалар бўлган бўлса, масалан, Мисрда манёврага эга энгил аравалар аллақачон ишлатилган, улар нафақат отиш учун, балки тез ҳаракатланиш вақтида турли хил манёврларни қўллаш имкониятига эга бўлган жиддий қурол эди.

Қадимги дунёда аравалар қурилишига катта аҳамият берилган. Масалан, Мисрда уларни ишлаб чиқариш учун қайин, қарағай каби дарахт турларидан фойдаланилганлиги шундан далолат беради. Аммо бу ерда бундай дарахтлар ўсмайди ва уларни ўша пайтда етказиб бериш осон иш эмас деб ҳисобланган. Бундан ташқари, баъзи жойларда буюртма асосида аравалар ишлаб чиқарилган. Археологлар Крит оролида кўплаб араваларни (*500 га яқин аравалар*) топишди. Аммо оролнинг рельефига диққат билан қарасак, тоғли ерларда бундай транспорт воситасидан фойдаланиш мумкин эмаслиги аниқ бўлади. Шунинг учун немис олими Г. Бокишанинг тахминига кўра, Критдан аравалар бошқа давлатларга экспорт қилинган. Шуни таъкидлаш

керакки, аравалар ихтироси ҳарбий ишларда ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлади. Дарҳақиқат, улар нафақат кўп сонли қўшинларнинг асосига айланди, шу билан бирга урушлар натижасини ҳал қиладди.

Бутун давлатларнинг тақдири деярли уларга боғлиқ бўлган. Жанговар араваларнинг бир нечта турлари мавжуд бўлган: жабдукда бир ёки икки отли ва икки ғилдиракдан иборат бўлган жанговар аравалар ва икки ёки тўрт ғилдиракдан иборат бўлган ва жабдукда тўртта от билан қўшилганлари мавжуд.

Қадимги юнонларнинг аравалари танаси паст ғилдиракларда жойлашганлиги билан ажралиб турарди. Олд қисмида жиловни маҳкамлаш учун панжара бор эди. Араваларнинг орқа томони очиқ, бу эса жангчиларга сакраб тушиш ва йўлда сакраш имкониятини яратган. Бундай аравани «троян» деб аташган.

Шунингдек, тарихда «форс» деб номланган мураккаб арава ҳам мавжуд бўлган. У катталиги жиҳатидан бошқа турдаги жанговар аравалардан сезиларли даражада фарқ қилган, араванинг ҳар икки томонига панжаралар ўрнатилган, ўқ отишга ва найза улоқтиришга мослашганлиги билан ажралиб турган. Бу милоддан аввалги VI–IV асрларга келиб урушлар тарихида жанг қилиш тактикалари сезиларли даражада ўзгарганлигидан далолат беради.

Бир-бири билан доимий уруш ҳолатида бўлган Миср ва Хетт қироллигида аравалардан фойдаланиш кенг тарқалган эди, шунинг учун улар ўзларининг ҳарбий қудратларини доимий равишда яхшилашга мажбур эдилар. Ниҳоят, уларнинг қарама-қаршилигини ҳал қилувчи вақт келди. Баъзи манбаларга кўра, ҳал қилувчи жанг милоддан аввалги 1296 йилда, бошқаларга кўра, милоддан аввалги 1312 йилда содир бўлган.

Бу вақтга келиб, иккала давлат ҳам ўз ихтиёрида кучли қўшинларга эга бўлган, шунингдек, такомиллаштирилган жанговар аравалар турларига ҳам эга эдилар. Жанг натижаларида улар ҳал қилувчи роль ўйнади. Тарихда бўлиб ўтган «Кадеш» жанги улар ўртасидаги биринчи жанг эди, унинг давомини Рамзес II

ёзувлари орқали араваларга қандай роль берилганлигини энг кичик деталларигача ўрганиш мумкин.

Иккала қўшиннинг кучлари тахминан бир хил эди – ҳар икки томонда 20 минг аскар ва икки ярим мингга яқин жанговар аравалар саф тортган. Улар 10, 30 ва 50 та жанговар аравадан иборат гуруҳларга бирлашган. Бу пайтга келиб жанговар араваларнинг яхшиланиши шундан иборат бўлганки, ғилдиракларда аллақачон 8 та шпик ишлатилган ва уларнинг чеккалари бўйлаб чиқиб кетган ўқнинг узунлиги сезиларли даражада ошган ва айниқса, душман пиёдаларига қарши қўлланилган узун ўтқир пичоқлари даҳшатли қуролни ифодалаган. Мисрликлар ва хеттларнинг аравалари ўртасида баъзи фарқлар мавжуд, мисрликларнинг жанговар аравалари энгил бўлганлиги учун манёврага кўпроқ мослашган, хеттларники эса кучлироқ ва бақувватроқ бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жанговар араваларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Асрлар мобайнида мана шу техника инсониятнинг таянчига айланган.

Урушлар тарихида эса ушбу техника вақти келганда бутун бошли мамлакатнинг тақдирини ўзгартирганлиги ҳам маълум. Масалан, Миср, Қадимги Форс империяси, Рим, Ҳиндистон каби мамлакатларни айтишимиз мумкин.

Буларга қўшимча тарзда яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон тарихида ҳам жанговар аравалардан кенг фойдаланилган. Тарихий манбаларда массагетлар маликаси Тўмарис, Форс шоҳи Кир II билан бўлган жангда жанговар аравалардан кенг фойдаланилганлиги фанга маълум.

Кейинчалик вақтлар ўтиши билан Ўзбекистон тарихида ўчмас из қолдирган Қўқон аравалари вужудга келди ва ривожланиш босқичига кирди.

**Интернет материаллари асосида Қуролли Кучлар академияси илмий взводи тадқиқотчиси оддий аскар Мухриддин Йўлдошев тайёрлади.**

ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ

# КУРАШЧИ ПОЛВОН

(воқеий ҳикоя)



Элибой ҳарбий хизматга чақирилгандан сўнг бир ҳафта ўтиб, Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Самарқанд шаҳридаги ҳарбий бўлинмада ҳарбий хизмат кўникмаларини эгаллаш бошлаган йигитлар юклари билан қизил вагонларда фронтга йўл олди.

Поезд бир ойга яқин йўл юрди ҳамки, манзилга етай демасди. Элибойнинг отаси Қорабой аканинг жаҳонгашта бир дўсти бор эди. У одам уйларига келганида ўзининг жаҳонгашталиги билан мақтаниб: «Дунёнинг нариги бурчагига ҳам борганман. Ҳатто Ўрим-бурим (Оренбург)ни ҳам кўриб келганман», деб барчани ҳайратда қолдирганди. Содда йигитлар энди билишса, мақтанчоқ жаҳонгашта айтган Ўрим-буримдан нарёқларида ҳам кўп жойлар бор экан. Негаки улар минган поезд Оренбургдан кейин ҳам ўн кун йўл юриб ўзбекистонлик аскарларни Свердловск вилоятининг Нижний Тагил станциясига етказди.

Аскарлар бир муддат шу ердаги танк ишлаб чиқарадиган заводда ишлаш баробарида, ҳарбий машқларда тобланди. Шундан сўнг, улар турли ҳарбий қисмларга бўлиб юборилди. Элибойларнинг дивизияси пиёда аскарлардан иборат эди. Жангга киргунга қадар яна ҳарбий машқлар давом этди. У отиш машқида мўлжалга олиш бўйича биринчиликни қўлга киритди, командирлар назарига тушди. Шундай кунлардан бирида Элибойнинг Матсафо исми хоразмлик сафдоши қишлоғида кураш билан шугулланганини билиб, унга тегажойлик қила бошлади:

– Кел, мен билан курашга туш, жўра.

– Қўйсанг-чи, оғайни, ҳозир кўн-гилга кураш сиғадими, – деди Элибой.

– Йўқ дема энди, жўра. Бир маза қилиб курашга тушайлик. Жангда ҳам асқатса, ажабмас.

Унинг гапини бошқа шериклари ҳам маъқуллади:

– Элибой, юртингда курашчи полвон деган номинг бор экан. Ўзингни бир кўрсат.

– Бўла қол энди, йигит кишига тортиниш ярашмайди...

Икки ўзбек йигитининг курашга тушиши барчани қизиқтирганди. Беллашув узоқ давом этмади, бир дақиқа ўтар-ўтмас Элибой Матсафони кўтариб ерга урди. Иккинчи олишувда ҳам Матсафо йиқилди. Кейинги курашдан сўнг Матсафо яна олишаман, дея олди...

Бироқ эртасидан бошлаб Элибой билан беллашишга бошқа талабгорлар чиқа бошлади. Гирдуғумдан келган Четвертаков деган аскар Элибойга рақиб бўлди. У ҳам ҳар томонлама кучли йигитлардан бири эди. Икки аскар беш дақиқача бир-бири билан бел олишиб турди. Четвертаков қанча ҳаракат қилмасин, Элибойни мағлуб

эта олмади. У ҳам Матсафонинг ҳолига тушди...

Ҳарбий тайёргарликлар охирлаб, Элибой хизмат қилаётган дивизия Сталинград томон йўл олди. 1942 йилнинг кузида улар Сталинград остоналарида жангга отланди. Артиллерия хужумидан кейин танклар ва ўзюрар тўплар ортидан пиёдалар хужум бошлади. Элибой биринчи жангдаёқ икки жойидан яраланди. Госпиталда бир ойга яқин даволанишига тўғри келди. Саломатлиги тиклангач, яна кадрдон бўлинмасига қайтди. «Энди насиб этса мириқиб жанг қиламан, фашистларни ер тишлатаман!» – қатъий мақсад қилди у.

Қиш фасли бошланган, ҳаммаёқ оппоқ қор. Чекинаётган душманни таъқиб этаётган Элибойнинг взводи кичик қишлоқ рўпарасидан чиқиб қолди. У шошилиб машинага чиқаётган ўн чоғли душманни кўрди-ю, милтиғидан ўқ отишга тушди. Мана, битта фашист кулади, иккинчиси... «Ҳе ўша ит эмган лаънатилар, босқинчилар!..» милтиғидан ўқ узди ҳамки, қорнининг бир чети куйгандек жижиллади. У қорнини чангаллаган кўйи ёнбошлади. Сафдошлари ёнидан «Ура-а!» деганча ўтиб кетди.

Элибой кўп қон йўқотмаслик учун пайтава билан қорнини маҳкам боғлади. Бироқ қон тўхтамасди. Ўрнидан туришнинг умуман иложи йўқ. У туни билан йиқилган жойида қор устида қолди. Тонг саҳар совуқда қотган, ҳушини йўқотаётган йигитни чанада олиб кетишди. Яна даволаниш, яна муолажалар...

Кўкламда сафга қайтган йигитни бу гал автоматчилар взводига олишди. Етиш кишидан иборат иккита автоматчилар взводи урушнинг биринчи линиясида турарди. Ҳозирча икки тараф ҳам мудофаада. Гўёки тинчлик ҳукмрондек. Аммо узоқ давом этган мудофаа кунларида ҳам урушнинг таҳликали ваҳимаси биронта мияни тарк этгани йўқ. Душманнинг ҳолини, нималарга тайёрланаётганини билиш учун баъзида разведкага юбориларди. Бироқ аниқ маълумотга эга бўлиш мушкул.

Яна ўттиз жангчи ярим тунда разведкага жўнади. Улар орасида Элибой ҳам бор. Буйруққа кўра тирик «тил» зарур. Тинимсиз ёмғир ёғмоқда, ҳаммаёқ лой. Жангчилар эмаклаган кўйи балчиққа беланган ҳолда симтўсиққа етиб келдилар. Ана, душман соқчиси у ёқдан бу ёққа юриб турибди. Кимдир соқчи томон граната улоқтирди. Сўнгра бироз кутишди. Сас-садо йўқ.

Маълум бўлишича, фашистлар бир соқчини қолдириб, позицияни ўзгартирган. Улар «тил» ушлаб келмаган бўлса-да, кўплаб милтиқ ва автоматлар билан қайтди.

Кўп ўтмай, бир неча ойлик танаффусга чек қўйилди. Гитлерчилар Курск шаҳри яқинида тўсатдан хужумга ўтди. «Қўрқоқ олдин мушт кўтарар», қабилида амалга оширилган бу хужум фашистларга қимматга тушди. Дастлаб мудофаа линиясини ёриб ўтган босқинчилар кўп ўтмай беҳисоб талафот кўрди. Бир кеча-кундузда душманнинг 800 та танки яқсон этилди.

Фашистларга қарши Курск атрофида бошланган беаёв жанг уч ярим ой тўхтовсиз давом этди. Қанчадан-қанча норғул йигитлар жон таслим қилди. Элибой ҳам бир неча бор ўлим билан юзма-юз келди. Бир сафар очик майдонда унинг оёғи остига снаряд келиб тушди. У кўз очиб юмгунча снаряд тупроғи остида қолди. Бахтли тасодиф сабаб, унинг бирор жойи лат емади. Тинимсиз кураш, олдинга қараб интилиш, фашистларни мағлуб этиш ҳаракати... Курск шаҳри остонасидан Днепр дарёсигача бўлган жангларда кўрсатган жасорати учун оддий аскар Элибой Қорабоев «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди ва ефрейторлик даражасига кўтарилди.

Навбат Днепрдан ўтиш операциясига. Бу тунда амалга оширилди. Кўплаб жангчилар дарёда ҳалокатга учради. Элибойнинг взвод командири ҳам қирғоққа етай деганда ҳалок бўлди. Жангчилар ўтюрк Қорабоевни бир овоздан командир этиб сайлади. Бу пайтда взводда ўн олти жангчи тирик қолганди. Улар қисқа танаффусдан кейин душман устига бостириб борди. Взвод аскарлари зим-зиё қоронғиликда пулемётнинг ўт очиш нуқтасидан чиқиб қолди. Фашистлар яна икки жангчининг умрига зомин бўлди. Йигитлар бир муддат жим қолди-да, важохат ила «Ура-а!» деб қичқириб юборди. Жангчиларнинг қолибона «Ура-а!» садосидан юрак олдириб қўйган босқинчилар тум-тарақай бўлди. Шу тариқа душманнинг ғарбий қирғоқдаги биринчи мудофааси эгалланди.

Эртасига қўшимча кучлар етиб келди. Жанг давом этмоқда. Элибойларнинг ротаси Рось дарёси бўйидаги сойни қўлга киритди. Соининг ғарб тарафидаги қир ҳамон душман қўлида. Қирдаги окопга жойлашиб олган фашистлар қимирлаган жонни отиш пайида. Аҳвол жуда танг. Узоқ кутиб туриш ҳам мумкин эмас. Агар душман



хужумга ўтса, вазият янада ёмонлашади. Рота командирининг топириғи билан Қорабоев ўн бир автоматчи билан сой бўйлаб кетди. Улар юриб эмас, эмаклаб боришарди. Мақсад – душман турган қирга ён тарафдан чиқиш.

Ҳаммадан олдинда кетаётган Элибой ўзидан йигирма қадамча нарида душман офицерини кўриб қолди. У окопда кўйлагининг ёқасини ечиб олганча сойни кузатар, ўзича бир нарсалар деб минғирлаб кўярди. Элибой уни отмоқчи бўлди. Аммо аксига олгандек, автоматининг затвори ишлаймай қолди. Буни пайқаб қолган душман офицери Элибойга кўзи тушиб бир лаҳза қотиб турди. Сўнгра ўзидан хиёл нарида бўлган қуроли томонга энкайди. Элибой жон ҳолатда унга қараб югурди. Фашист офицери наганини олишга улгурмади. Орқага ўгирилди-ю, унга ташланмоқчи бўлган Элибойнинг икки елкасидан босди. Йигит унинг девдек кучли эканини ҳис қилди. Шу ерда курашчи полвонлиги иш берди. Шунингдек, қишлоғидаги чапанича олишишлар қўл келди. Душманни ёқасидан қаттиқ бўғиб, бош бармоғини кекирдагига тиради. Фурсатни бой бермай, автоматининг қўндоғи билан бошига туширди. У ҳушидан кетди.

Шу орада ўз офицерини отиб қўйишдан кўрқиб, ўт очолмай турган икки душман пулемётчисига қуролидан ўқ узди. Ҳозиргина затвори ишлаймай турган автомат «сайраб» юборди. Шу орада Элибойнинг шериклари «Ура-а!» деб қичқирди... Йигирма беш чоғли фашист қўлга олинди...

Элибой ва унинг сафдошлари кўрсатган жасорат сойда турган жангчиларга, штаб бошлиғиго рота командирига қафтдагидек кўриниб турарди...

«Жасурлик учун» медали ҳамда «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган взвод командири Элибой Қорабоев доврақлиги билан ҳатто ўлимни доғда қолдириб, ғалаба нашидаси ила она Ўзбекистонга қайтди.



Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»



# НАВОИЙ ВА БОБУР МАҲЗАНИ

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмда сўз мулкнинг султони Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Унда Фарғона вилояти олий ва ўрта махсус таълим бошқармасига қарашли Марғилон шаҳар Педагогика коллежи, Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактаби, 23-умумтаълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари, Эркин Воҳидов номидаги мемориал музей, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши, Марғилон шаҳар тарихи музейи ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Тадбирни ҳарбий қисм командири подполковник О. Баракаев очиб берди. Сўз олганлар Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган Алишер Навоий ва Бобурнинг ҳаёти ва ижодининг ёшлар маънавиятини юксалтиришда тутган ўрни тўғрисида фикрлар билдиришди. Шунингдек, ҳарбий қисм мuddатли ҳарбий хизматчилари ва 23-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган газал ва рубоийларидан парчалар ўқилди ҳамда сахна кўринишлари намойиш этилди.

Тадбир давомида Марғилон шаҳар Эркин Воҳидов номидаги мемориал музей ходими, шоира Ирода Зиёева ва Марғилон шаҳар тарихи музейи илмий ходими М. Арипова томонидан Навоий ва Бобурнинг буюк маънавий мероси ва музей фондида сақланаётган экспонатлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилди.

Шунингдек, Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчилари ва ўқувчилари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар даврага кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир сўнгида меҳмон ва қатнашчиларга қисм қўмондонлигининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Подполковник Ф. СУЛАЙМОНОВ

В Военном университете Российской Федерации прошёл тематический вечер на тему «Жизнь и творчество Захириддина Мухаммада Бабура» со слушателями стран СНГ.

## ВСПОМИНАЯ ЖИЗНЬ И ТВОРЧЕСТВО ВЕЛИКОЙ ЛИЧНОСТИ

На мероприятии, посвящённом 538-летию со дня рождения Захириддина Мухаммада Бабура, были обсуждены вопросы научно-литературного наследия великого поэта и государственного деятеля, его творчества, принесшего ему мировую славу. Как писал великий индийский политический деятель Джавахарлал Неру, во время правления Бабура в Индии произошли большие изменения, имели место новые реформы, улучшившие жизнь, обогащённую искусством и архитектурой. Наряду с огромными государственными делами Бабур вёл насыщенную литературно-художественную деятельность в Индии и создал наряду с другими произведениями свою самую изысканную работу, которая стала популярной во всем мире – «Бабур-наме». Это



книга, включающая не только исторические факты, но и уникальную информацию об экономических, политических и социальных аспектах жизни того времени, природы и географии, наполнена уникальным историческим и литературным наследием.

Подполковник Н. БУЛТУРОВ, майор Э. ЭГАМОВ, слушатели Военного университета



Термиз шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб «Аждодлар ёди билан яшайман» мавзусида тадбир ўтказилди.

## АЖДОДЛАР ЁДИ

Унда мактабнинг «Ёш тилшунослар» тўғараги аъзолари сўзга чиқиб, бу икки буюк алломанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумот беришди, уларнинг ижодидан намуналар ўқишди. Айниқса, иқтидорли ўқувчилар томонидан ёзувчи Ойбекнинг «Навоий» романида тасвирланган воқеалар асосида тайёрланган сахна кўриниши, ижро этилган миллий куй ва рақслар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Ҳа, улуг аждодларимиз руҳи покларига эҳтиром ифодаси бўлган бу каби тадбирлар ўқувчиларда ватанпарварлик, халқсеварлик, аждодлар меросига ҳурмат руҳини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши билан қимматлидир.

Бегам ТЎХТАЕВА, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ҳарбий хизматчилар, эҳтиёжманд оилалар ва ёшларни, шу жумладан, уюлмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мақсадида кенг миқёсда тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Навоий ҳарбий прокуратураси томонидан вилоят Миллий гвардия бошқармасида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Унда 50 нафар ишсиз ва уюлмаган ёшларга вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, унинг туман ва шаҳар бўлимларида ҳамда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасида мавжуд бўш иш ўринларига жойлашиш учун йўлланмалар берилиб, шу жойнинг ўзида 44 нафар фуқароларимиз билан меҳнат шартномаси имзоланди.

Шунингдек, Ҳарбий прокуратура ва вилоят Миллий гвардия бошқармаси ҳамкорлигидаги амалий тадбирлар натижасида вилоят қўриқлаш бошқармаси таркибидаги ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизматида 50 та янги иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш жоиз, қўриқлаш хизматида номзодларни ишга қабул қилиш суҳбат ва жисмоний тайёргарлик синов босқичларини ўз ичига олган муайян муддат талаб этиладиган танлов асосида амалга оширилади. Аҳамиятлиси, шу куннинг ўзида 100 нафарга яқин уюлмаган ёшлар касбий танловда иштирок этиш учун жалб этилиб, тадбирга танлов ҳайъати таркиби ҳам таклиф қилинди ва ҳар бир номзод билан ўтказилган танловнинг суҳбат босқичида 40 нафар ёшлар синовдан муваффақиятли ўтишди. Яқин кунларда уларнинг жисмоний тайёргарлик синовини яхши



## ЁШЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

баҳоларга топширганлари белгиланган тартибда хизматга қабул қилиниши эса қувонарли ҳол.

Мазкур тадбирлар билан бир пайтда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари муаммоларини ўрганиш мақсадида сайёр қабул ҳам ташкиллаштирилди. Унда ҳарбий хизматчилар ва ишчи-хизматчиларнинг имконияти чекланган фарзандларини даволаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, дори-дармон, махсус тиббиёт воситалари билан

таъминлаш учун кўмаклашиш ҳақидаги мурожаатларини вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар ҳарбийларга яратилаётган шароитлар билан таништирилиб, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Бундан руҳланган ва контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истагини билдирган 95 нафар ёшга ўша жойнинг ўзида мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ўтказиладиган ҳарбий-касбий танловда иштирок этиш учун йўлланмалар берилди. Улар келгусида танловдан муваффақиятли ўтган тақдирда, ўрнатилган меъёрий талаблар асосида ҳарбий хизматга қабул қилинадилар.

Адлия подполковниги Сардор СОБИРОВ, Навоий ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

# «БЕЗОРИ»ЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

АҚШнинг Калифорния штатида ташкил этилган профессионал бокс оқшомида Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази вакили, WBO Интер-Континентал камари соҳиби Бектемир Мелиқўзиев ўз фаолиятидаги еттинчи жангини ўтказди ва супер ўрта (76,2) вазн тоифасидаги «безори»лигини яна бир бор намойиш этди.



Хаваскор бокс бўйича қитъа чемпиони, жаҳон чемпионати, Олимпиада ва Осиё ўйинлари совриндори Бектемир Мелиқўзиев профессионал рингдаги илк жангини 2019 йилнинг июнь ойида АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ташкил этилган бокс оқшомида аргентиналик Мартин Фидел Риосга қарши ўтказган ва биринчи раунддаёқ кучли зарбалар билан номдор рақибини ерга қулатганди. Риос анча вақт ўзига келолмай ўрнидан тура олмагач, бокс мухлислари «Bully! Bully!» дея қичқира бошлаган, жаҳоннинг айрим спорт матбуоти ҳам бу жангни мухлислар томонидан эътироф этилган «Bully», яъни «безори» муваффақияти сифатида ёритганди. Ҳа, вақилимиз илк жангидаёқ «супер ўрта вазн тоифаси бўйича профессионаллар профессионали»ни мағлуб этгани боис «Bully» лақабини олганди. Бу воқеликка қарийб икки йил бўляпти ва ортда қолган даврда боксчимиз жами 7 та жанг ўтказиб, уларнинг барчасида ғалаба қозонди, 6 тасида эса «безори»лик қилди, яъни рақибини нокаутга учратди.

Бектемир ўтган ҳафта охирида Калифорния штати, Индио шаҳридаги «Fantasy Springs Resort Casino» спорт аренасида бўлиб ўтган профессионал бокс оқшомида америкалик Морган Фитчга қарши ўзининг еттинчи жангини ўтказди. 10 раундлик этиб белгиланган мазкур жанг ҳам «Bully»нинг «безори»лиги боис охиригача етмади. Учтинчи

раундда Бектемир томонидан берилган кучли зарбалардан сўнг Морган ерга қулади ва ҳакам жангни тўхтатиб, техник нокаут қайд этди – боксчимиз профессионал боксдаги еттинчи ғалабасига шу тариқа эришди.

«Bully»нинг еттинчи рақиб аслида ўз вақтида супер ўрта вазннинг WBO, WBA (Super), IBF ва IBA йўналишларида жаҳон чемпионлиги ҳамда WBC бриллиант камарини қўлга киритган россиялик 37 ёшли Сергей Ковалёв бўлиши, жанг эса 2021 йил 30 январь куни ўтказилиши керак эди. Аммо... «Ковалёв икки марта VADA текширувидан ўтолмаган, яъни россиялик собиқ чемпионда допинг аниқланган ва жанг шу боис бекор қилинган»ди. Мелиқўзиев ва Фитч ўртасидаги 14 февраль кунги жангдан сўнг Сергей Ковалёв боксчимиз Бектемир Мелиқўзиевнинг навбатдаги ғалабаси ҳақида матбуот орқали фикр билдирди ва промоутер Андрей Рябинскийга мурожаат қилди: «Барчаси тушунарли. Бир нарса аниқки, ўзбекистонлик болакай ҳали стол тагида яёв юрибди. Мен уни биринчи баҳсимиздаёқ мағлуб этман. Ҳурматли Андрей Рябинскийдан эса шошилиш хулоса чиқармаслигини сўрайман».

Иккинчи ўрта вазн (76,2 кг) тоифасида ўз жанглирини ўтказётган боксчимиз Бектемир Мелиқўзиев (7-0-0, 6 KO) эса Ковалёвнинг бу гапларига вазминлик билан жавоб берди ва матбуот ходимларига бутунлай бошқа мавзуда сўз қотди: «Мен Ковалёв жанг қилганида ҳам натижа Фитчники билан бир хил бўларди, деб ўйлайман. Балки бунинг учун кўпроқ вақт кетиши мумкин эди. Уларнинг услуби ўхшаш. Албатта, Сергейнинг даражаси юқорирак, у кучли рақиблар билан тўқнашган, уч карра жаҳон чемпиони. Шунга қарамай, жанг натижаси бир хил кўринишда бўларди. Ҳеч кимни камситмоқчи эмасман. Менежерларим ва промоутерларимнинг ўз режаси бор ва ишонч билан айтаманки, мен ўрта вазн тоифасидан тортиб, яrimоғир вазндаги исталган боксчиға қарши рингга кўтарилишга тайёрман. Мен жанг қилмайдиган ягона боксчи бу дўстим Дмитрий Бивол».

Мелиқўзиев тилга олган дўсти ва спарринг шериги россиялик Дмитрий Бивол яrimоғир вазн (79,4 кг) тоифасида WBA супер чемпиони ҳисобланади. Бивол шу пайтгача 17 марта жанг ўтказган ва уларнинг барчасида ғалаба қозонган, 11 нафар рақибини эса нокаутга учратган.

Профессионал бокснинг енгил вазн тоифасида (61 кг) жанглар ўтказиб келаётган ҳамюртимиз Элнур Абдураимов (6-0, 6 KO) ҳам ўзининг навбатдаги жангини 13 февраль кунги бокс оқшомида колумбиялик Деиви Хулиога (21-9, 13 KO) қарши ўтказиши керак эди. Маълум бўлишича, Элнурнинг рақибни белгиланган муддатда комиссия тасдиғидан ўтолмаган ва шу сабабли жанг бекор қилинган.

## ШОҲСУПА

(хабарлар)

### БОКС



Негизи Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (Марказ) вакилларида иборат бўлган бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ўтган йили Иорданияда ўтказилган «Токио – 2020» лицензион мусобақаси орқали 7 та (6 эркак ва 1 аёл) йўлланмани қўлга киритган эди. Олимпиадага тайёргарликни бошлаган боксчиларимиз икки ҳафта Тошкент вилоятидаги «Янгиобод» ўқув базасида йиғин ўтказди. Энди улар Болгарияга йўл олишди ва аънавий «Странжа» халқаро мусобақасида иштирок этишди. «Ушбу турнир Токио Олимпиадаси учун тайёргарликда муҳим аҳамиятга эга. Бу биз учун карантиндан кейинги илк халқаро мусобақа бўлади ва мен ушбу турнирдан олтин медаль билан қайтмоқчиман», дейди Марказ аъзоси Миразизбек Мирзахалилов.

### ҚИЛИЧБОЗЛИК



Грузияда бўлиб ўтган Туркия, Қозоғистон, Украина, Беларусь каби мамлакат терма жамоалари вакиллари иштирокидаги қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича мусобақада ҳамюртимиз Зайнаб Дайибекова шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди. Ярим финалда юртдошимиз «Рио – 2016» Олимпиадасининг кумуш медали соҳибаси украиналик Елена Кравацкаяга қарама-қарши келди. Кескин кечган жанг украин спортчисининг 15:14 ҳисобидаги ғалабаси билан яқунланди ва ҳамюртимиз турнирнинг бронза медали билан кифояланди.

### ДЗЮДО



Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) Ҳакамлар қўмитаси «Токио – 2020» ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ҳакамлик қилувчи мутахассисларни аниқлади. Унга кўра, ҳамюртларимиз Рамзиддин Саидов ҳамда Вячеслав Перетейко ҳам Токиода ҳакамлик вазифасини бажаради. Ташкилот бу борада Ўзбекистон дзюдо федерациясига расмий мактуб йўллаган ҳамда тегишли сертификатларни тақдим этган.

### ЕНГИЛ АТЛЕТИКА



БААнинг Дубай шаҳрида пара-енгил атлетика бўйича «Fazza» халқаро Гран-при турнири бўлиб ўтди. Токио Паралимпиадаси йўлида қимматли рейтинг очколарини тақдим қиладиган ушбу мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси 13 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза, жами 24 та медални қўлга киритди. Хусусан, диск улоқтириш баҳсларида қатнашган ҳамюртимиз Моҳигул Ҳамдамова 32.49 метр натижа кўрсатиб, Осиё рекордини янгилади ва турнирнинг олтин медали билан тақдирланди. Ғолибларимиздан Бобуржон Омонов ядро улоқтириш бўйича жаҳон рекордини янгилашга ҳам муваффақ бўлди.

### ЯККАКУРАШ



Москвада бўлиб ўтган аралаш яккакураш бўйича «Eagle Fighting Championship 33» турнирида «Аждар» лақабли спортчимиз Азамат Нуфтиллаев ҳам иштирок этди ва оғир вазн тоифасидаги жангнинг биринчи раундидаёқ рақибини техник нокаутга учратиб, ғалаба қозонди.

### ФУТБОЛ



2022 йилги жаҳон чемпионати ва 2023 йилги Осиё кубоги саралаш ўйинларига тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоамиз навбатдаги йиғинни БААнинг Дубай шаҳрида олиб борди ва иккита ўртоқлик учрашуви ўтказди. Аввалига Россиянинг «Зенит» клубидан 0:4 ҳисобида енгилган футболчиларимиз кейинги ўйинда Иордания миллий терма жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этишди. 51-дақиқада майдонга тушган Хуснидин Ғофуров ҳисобни очган бўлса, иккинчи голга Темирхўжа Абдухолиқов муаллифлик қилди.

## ШАРИПОВА — ЧЕМПИОН!

Теннис бўйича аёллар ўртасида мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси ҳисобланган Сабина Шарипова жорий йилги мусобақалардаги иштирокини совриндор бўлиш билан бошлади.



Теннис бўйича халқаро майдонда юртимиз спортчи шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ва айни пайтда спортчи ифодалаганда, «хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси» ҳисобланган Сабина Шарипова Халқаро теннис федерацияси томонидан Қозоғистонда ташкил қилинган «ITF Kazakhstan 01A» турнирида иштирок этди. Вақилимиз турнирда 1-тартиб рақам остида сараланиб, қатнашган бўлса-да, яққалик баҳслари унинг учун бирмунча омадсиз яқунланди. Хусусан, Шарипова турнирда россиялик Екатерина Маклаковани ҳар икки сетда бир хил – 6:2 ҳисобида енгди. Сабина турнирнинг 1/8 финал босқичида мезбонлар вакили Арузхан Сагандикова қарши қортга чиқди ва бу баҳсда ҳам 6:1, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Шу тариқа турнирнинг чорак финалигача етиб борган теннисчимиздан ярим финалга ўтиш баҳсида омад юз ўғирди – унга бу босқичда россиялик Анастасия Тихонова қарама-қарши келди ва вақилимиз икки сетда ҳам имкониятни бой берди.

«ITF Kazakhstan 01A» турнирининг жуфтлик баҳсларида Сабина Шарипова россиялик Екатерина Казимова билан тандем ҳосил қилди ва улар қийинчилик билан бўлса-да, барча рақибларини мағлуб этишди. Хусусан, чорак финалда словакиялик теннисчилар жуфтлигидан уч сет давом этган баҳсда 4:6, 6:1, 10:5 ҳисобида устун келган Шарипова/Казимова тандеми ярим финалда Гўзал Айнитдинова/Жибек Куламбаевадан иборат қозоғистонлик теннисчилар жуфтлигини 6:2, 7:6(8:6), 10:7 ҳисобида мағлуб этди. Финал баҳси ҳам кескин ва томошабинбоп кечди – Шарипова/Казимова тандеми жуфтлик баҳслари финалида россиялик Ноэль Сайденова ҳамда Дарья Мишина жуфтлигини 7:5, 2:6, 10:4 ҳисобида мағлубиятга учратди ва ғолибга бериладиган 12 500 евро миқдоридеги мукофотга эга бўлишди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

ри давомида аёллар ва болалар ўндан ортиқ малакали шифокор қабулида бўлиб, улардан соғлом турмуш тарзи ва уни тўғри шакллантириш, ўсмир ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ҳамда реп-

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўлами кенгаймоқда. Амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар замирида эса миллатни соғломлаштириш ғояси мужассам. Бинобарин, ҳар қайси халқ, давлат ва жамият ривожланишининг асосий омили инсон бўлар экан, унинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва турмуш даражасини оширишга қаратилаётган эътибор шу йўлдаги саъй-ҳаракати билан ўлчаниши барчамизга кундек равшан.

Қуролли Кучлар академияси ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари учун ташкил қилинган чуқурлаштирилган тиббий кўрик ҳам ана шундай эзгу ин-

тилишни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятлидир. 2021 йил «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастури



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

ижросини таъминлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини юксалтириш ҳамда бирламчи касалликларни аниқлаш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур саломатлик тадби-

родуктив саломатликни сақлашга доир маслаҳат ва тавсиялар олишди. Таъкидлаш жоизки, Мудофаа вазирлиги тизимида бу каби тиббий кўриклар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

**Гулнора ТУРСУНБОЕВА**

ЧАҚИРУВ – 2021

САНА

## НОМЗОДЛАР УЧУН ҚИЗИҚАРЛИ ЭКСКУРСИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жойларда самарали ишлар олиб борилмоқда.



Унга кўра, миллий армиямиз сафларини жисмонан ва маънан соғлом, дунёқараши кенг бўлган ёшлар билан тўлдириш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан Самарқанд шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказига Оқдарё тумани мудофаа ишлари бўлими томонидан навбатдаги муддатли ҳарбий хизматга саралаб олинган чақирилувчиларнинг саёҳати амалга оширилди.

Марказда уларга Қуролли Кучларимизда мавжуд бўлган замонавий қуроллар ва ҳарбий техникалар ҳақида малумотлар берилди, жанговар ва махсус тайёргарликлар бўйича машғулотлардан намуналар намойиш этилди. Шунингдек, курсантлар бўш вақтларида ўқиган бадиий китоблари ҳақида гапириб, чақирилувчилар билан ўзаро фикр алмашишди.

Марказда таҳсил олаётган Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардиянинг кичик командирлар бўғинидаги контракт бўйича ҳарбий хизматчилар ўз йўналишлари бўйича чақирилувчиларга қизиқарли маълумотлар беришди.

Саёҳат бўлғуси аскарлар учун жуда қизиқарли бўлди ва уларда катта таассурот қолдирди.

Чақирилувчи ёшлар билан бундай тадбирларни ўтказиш келгусида уларнинг ҳарбий хизматни ўташ мобайнида армия ҳаётига тез киришиб кетиши ва хизматга бўлган қизиқишлари ошишида ўз самарасини бериши аниқ.

**Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Хайрулло ЎЛМАСОВ, марказ пресс-атташеси**

Республика Ҳарбий прокуратураси ва барча ҳудудий ҳарбий прокуратуралар томонидан улўғ аждодларимиз Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудлари муносабати билан ҳарбий қисм ва муассасаларда қатор маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, адабий-бадиий кечалар ўтказилди.

## БУЮК СИЙМОЛАР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ЎРГАНИЛДИ

Жумладан, буюк мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан «Сўз сеҳри» ва «Навоий хазинаси» мавзуларида навоийхонлик тадбирлари ташкил этилди.

Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллиги муносабати билан «Шоҳ ва шоир» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Анжуманларда ўқувчи, талаба ва ҳарбий хизматчилар ёшларга Навоий ва Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

Шу билан бирга, жалб этилган мутахассислар томонидан ҳарбий хизматчилар эътиборига

Навоий ва Бобур асарлари жамланмаси намойиш қилинди.

Бундан ташқари, ғазалхонлик ва рубоийхонлик беллашувлари ўтказилиб, ғолиблар китоб ва бошқа эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Бу каби тадбирлар ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, адабиётга ва китоб мутолаасига бўлган қизиқишларини янада оширишга муносиб ҳисса қўшади.

**Адлия подполковниги Алишер ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**

## «БУ ОЛАМ АРО АЖАБ АЛАМЛАР КЎРДУМ...»



Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ҳамда Чирчиқ давлат педагогика институти талабалари иштирокида ўтказилган тадбир ҳам бобокалонимиз таваллудига бағишланди. «Бобурхонлик кечаси» деб номланган маънавий-маърифий тадбирда буюк қаламига мансуб ғазал ва рубоийлар ўқилар экан,

ёшларнинг Бобур ҳаёти ва ижодига оид билимлар янада мустаҳкамланди.

Тадбир давомида саркарданиннг ҳаёти акс эттирилган видеоролик, сахна кўринишлари намойиш этилиши томошабинлар ҳамда билим юрти шахсий таркибида катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг тадбирга йиғилган талаба ва тингловчилар ўртасида Бобур ижодига мансуб:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.  
Ҳар ким бу «Вақоени» ўқур, билгайким,  
Не ранжу, не меҳнату, не гамлар кўрдум...*

каби энг сара ғазал ҳамда рубоийлар янграган ғазалхонлик кечаси ўтказилди.

**Шерзод ШАРИПОВ,  
«Vatanparvar»**

# ПОЛЬША ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Польша Қуролли Кучларининг асосий турларидан бири ҳисобланувчи, мамлакатнинг ҳаво бўшлиқлари ва ердаги инфратузилма объектларини ҳимоя қилиш, ҳаво операцияларини ўтказиш, Қуруқликдаги қўшинлар ва Ҳарбий денгиз кучларини ҳаводан қўллаб-қувватлаш, ҳаво разведкаси олиб бориш, шунингдек, қўшинлар ва жанговар техникаларни тегишли жойларга етказишга мўлжалланган Ҳарбий ҳаво кучлари (ҲҲК) Польша Республикаси мустақилликка эришган 1918 йилда ташкил топган.



Хозирги даврда бу турдаги қўшинларни ривожлантириш мамлакат раҳбарияти томонидан қабул қилинган «Польша Қуролли Кучлари модели – 2032» номли стратегик концепция, «Қуролли Кучларни қуриш режаси» ва «Қуролли Кучларни техник модернизациялаш режаси» асосида амалга оширилмоқда. Бу ҳужжатларда кўзда тутилган асосий мақсад миллий армия, шу жумладан, Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли қисм ва бўлинмаларнинг жанговар ва сафарбарлик шайлигини юқори даражада сақлаш, НАТО Бирлашган ҳарбий ҳаво кучлари билан оператив ҳамжиҳатликни янада ошириш, жанговар тайёргарлик ишларини миллий хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарларни ҳисобга олган ҳолда олиб бориш, ерда жойлашган инфратузилмани такомиллаштириш, шунингдек, мавжуд авиация паркни техник модернизациялаш, замонавий жанговар самолётлар, вертолётлар ва зарурий қуроллар билан таъминлаш ишларини давом эттиришдан иборат.






Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли куч ва воситаларнинг маъмурий бошқаруви ҲҲК қўмондонлиги томонидан, оператив бошқарув эса Қуролли кучлар оператив қўмондонлиги томонидан амалга оширилади.

ҲҲК қўмондонлиги бўйсунувида тўртта авиация қаноти (иккита тактик, транспорт ва ўқув авиацияси), иккита бригада (зенит-ракета ва радиотехник), радиоэлектрон кураш ва ахборот таъминоти марказлари, ҳаво бўшлиғини назорат қилиш ва ҳаводаги ҳаракатларни бошқариш хизмати, ўқув маркази, муҳандислик-авиация маркази, шунингдек, авиация кичик мутахассислари мактаби бор. Бундан ташқари, Ҳарбий денгиз кучларининг денгиз авиацияси бригадаси, Қуруқликдаги қўшинларга қарашли армия авиацияси бригадаси ҳамда 25-алоҳида десант-штурм бригадасининг вертолёт бўлинмалари ҳам оператив ва жанговар тайёргарликни ташкил этиш масалалари бўйича Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига бўйсунди.

Сўнгги маълумотларга кўра, ҳозирга келиб шахсий таркибининг умумий сони деярли 19 минг кишини ташкил этувчи бу турдаги қўшинларнинг

## Қўшин тури – ПОЛЬША ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ

Умумий сони – 15 000 киши

	Жанговар авиация самолётлари – 110 та
	Ёрдамчи авиация самолётлари – 120 та
	Жанговар вертолётлар – 90 та
	Зенит-ракета комплекслари – 100 дан зиёд
	Учувчисиз учиш аппаратлари – 60 та

микдори сафарбарлик эълон қилинган ҳолатларда 35 минг кишигача етиши мумкин.

Польша ҲҲКга қарашли жанговар техника таркибидан жанговар авиация самолётлари (жами 110 та: асосан F-16 ва МиГ-29 типдаги тактик қирувчи, Су-22 типдаги қирувчи-бомбардимончи), ёрдамчи авиация самолётлари (120 та: 50 та ҳарбий-транспорт ва 70 та ўқув), кўп мақсадли вертолётлар (90 та: 50 та жанговар ва 40 та ёрдамчи), зенит-ракета қурилмалари (100 дан зиёд) ҳамда разведкачи учувчисиз учиш аппаратлари (60 та) жой олган.

Кўриниб турганидек, мамлакат Ҳарбий ҳаво кучлари яхши таъминланган, аммо муаммо шундаки, бу жанговар техниканинг аксарият қисми ҳозирги вақтга келиб анча эскирган. Бу асосан Россия (собиқ Иттифоқ)да ишлаб чиқарилган ҳарбий техникага тааллуқли. Жумладан, Польша ҳарбий экспертлари баҳосига кўра, МиГ-29 типдаги қирувчи самолётларнинг жанговар шайлик коэффициенти 0,5 га тенг, бу эса НАТО талабларига умуман жавоб бермайди. Сўнгги йилларда мамлакат ҳарбий раҳбарияти ана шу муаммоларни ҳал қилиш йўлида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, «2017–2026 йилларда Польша Қуролли

Кучларини техник модернизациялаш режаси»га мувофиқ, 32 та замонавий тактик қирувчи самолёт харид қилиш ва шу мақсадда 5 млрд доллар ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Россияда ишлаб чиқарилган С-200 «Вега», «Круг» ва «Нева» типдаги эскирган зенит-ракета комплексларини АҚШнинг «Пэтриот» комплекслари билан алмаштириш, янги ўқув самолётлари, замонавий учувчисиз учиш аппаратлари ва бошқа турдаги жанговар техника ҳамда қуроллар билан таъминлаш режалаштирилган.

Ҳарбий ҳаво кучларининг оператив ва жанговар тайёргарлиги бошқарув органлари, қисм ва бўлинмаларнинг ўзаро уйғунлигини янада такомиллаштириш, шахсий таркибининг профессионал малака ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боришга йўналтирилган. Қўшин шахсий таркиби мунтазам равишда миллий ва НАТО доирасидаги турли тадбирлар, жанговар-ўқув машқларида иштирок этиб келмоқда. ҲҲК учун мутахассислар тайёрлаш миллий ҳарбий ўқув муассасаларида, шунингдек, бир қатор хорижий давлатларда амалга оширилади.

Тинчлик даврида ҳарбий авиация техникасини жойлаштириш учун мамлакат ҳудудидаги Демблин, Ласк, Мальборо, Повидз, Познань-Кшесини ва Свидвин аэродромларидан фойдаланилади. Ҳозирда НАТОга аъзо мамлакатларга қарашли турли типдаги замонавий жанговар ва ёрдамчи самолётларни қабул қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида бу аэродромларда модернизациялаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Польша ҳудудида яна турли классдаги 150 дан ортиқ аэродром бўлиб, уларнинг 95 тасидан жанговар ва ҳарбий транспорт авиацияси манфаатларида фойдаланиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Польша ҳарбий раҳбарияти миллий ҲҲКнинг жанговар қобилиятини янада ошириш ва уларни НАТО стандартларига мослаштириб бориш мақсадида ташкилий тузилмани такомиллаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни устувор масалалардан бири, деб ҳисоблайди. Кўзда тутилган ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши яқин истиқболда қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга қодир бўлган замонавий ҲҲКга эга бўлиш имконини яратади.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

### РАСМИЙ ВАКИЛ БАЁНОТИ



Туркия ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Ҳами Оксўй АҚШ-ни мамлакатнинг ички ишларига аралашмаслик ва Туркия судлари қарорларини муҳокама қилмасликка чақирди. Бунга АҚШ ҳукуматининг Туркия суди томонидан ҳуқуқ ҳимоячиси Усмон Кавалани «конституцион тузумни ўзгартиришга ва амалдаги ҳукуматни ағдаришга уринганлиги» учун ҳибсга олиш тўғрисидаги ҳукмини бекор қилиш ва уни озод этиш лозимлиги борасидаги баёноти сабаб бўлган.

### ОРБИТАГА ЕТИБ БОРДИ



Хитой космик агентлиги маълумотларига кўра, маҳаллий мутахассислар томонидан яратилган «Тяньвэн-1» космик зонди етти ой давом этган парвоздан сўнг Марс орбитасига етиб борган. Станция май ойигача кўниш учун қулай жой танлаш мақсадида Марс юзасини батафсил суратга туширади. Сўнгра Марсда юришга мўлжалланган қурилма жойлашган платформа зонддан ажралиб чиқади ва Қизил сайёрага қўнади. Марсоход уч ой давомида сайёрани ўрганади, суратга олади ва Марс харитасини тузишга ёрдам беради.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

### ҚИШ ЎЗИНИ КЎРСАТДИ



Москвада рекорд даражада қор ёғди. Икки кунлик ёғингарчилик миқдори 30 миллиметрдан ортиқни ташкил қилган. Бу февраль ойидаги мейёрнинг 60 фоизига тенг. Айрим ҳудудларда қор уюмларининг баландлиги 60 сантиметргача етган. Кучли изғирин ва бўрон йўлларда тирбандликлар келтириб чиқарган. Аэропортларда юздан ортиқ рейслар кечиктирилган. Москва мэрияси шаҳарни қордан тозалаш учун 8 кун вақт кетишини маълум қилган. Тозалаш ишларига 60 мингдан ортиқ ишчи ва 13,5 мингдан ортиқ техника жалб этилган.

БУ ҚИЗИҚ



# ҒАЙРИОДДИЙ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ

Ҳамма соҳада бўлгани каби турли мамлакатларнинг автомобиль йўлларида машина бошқаришнинг ўзига хос қонун-қоидаси бор. Қўйида улардан энг антиқалари билан танишасиз.



## ДАНИЯ

Ушбу мамлакатда транспортингизни тўлиқ текширмагунингизча уни ўт олдириш тақиқланади. Тўлиқ сўзи Дания қонуни бўйича машина тагига қараб, ухлаётган бола йўқлигига ишонч ҳосил қилишнинг кераклигини англатади.

**УРУГВАЙ**  
Дунёнинг аксарият мамлакатларида транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш жиддий жазога тортилишга сабаб бўлади. Бироқ Уругвайда эса аксинча, йўл ҳаракати қоидалари бузилган тақдирда мастлик ҳолати юмшатовчи вазият бўлиб хизмат қилиши мумкин.



## ЯПОНИЯ

Япониянинг бир неча жойларида муסיкий йўллардан ўтишингиз мумкин. Магистрал йўл қисмида турли чуқурликдаги ва бир-биридан ҳар хил масофада жойлашган махсус ёриқлар қилинган. Ушбу жойдан маълум тезликда ҳайдалганда ёриқлардан ғилдираклар орқали тебраниш автомобилнинг салон қисмига узатилиб, у қандайдир муסיқага айланади. Японияда бу йўллар асосан сайёҳлар учун қилинган бўлса,

Жанубий Кореяда ҳайдовчилар эътиборини жалб этиш ва уларнинг ухлаб қолишларига йўл қўймастик мақсадида бир хилдаги магистрал йўлларга жойлаштирилган.

## МЕКСИКА

Мексикада эшак транспорт воситаси ҳисобланади. Табиийки, уни бошқариш учун тегишли рухсатга эга бўлишингиз керак. Ҳужжатда нафақат эгасининг, балки «транспорт воситаси»нинг ҳам фотосурати бўлиши керак.



## ФИЛИППИН

Филиппинда автомобиль тирбандликларига қарши антиқа қоида жорий қилинган. Рақамлари 1 ва 2 билан тугайдиган автоуловлар душанба, 3 ва 4 сешанба, 5 ва 6 чоршанба, 7 ва 8 пайшанба, 9 ва 0 билан тугайдиган автомашиналар жума кунлари йўлларда кўринмаслиги керак. Дам олиш кунлари ҳамма машиналар йўлга чиқишлари мумкин.

## АВСТРИЯ

Австрияда ҳайдовчилар учун ўта шубҳали

қонун мавжуд: мамлакатда видеорегистраторларнинг ишлаши расман тақиқланган. Ушбу қурилмалардан фойдаланиш шахсий ҳаётга аралаштириш ҳисобланаркан.



## ГЕРМАНИЯ

Германиянинг Дрезден шаҳрида 1987 йилдан буён қизил рангда узлуксиз ёниб турувчи светофор мавжуд. У Цигельштрасседан тўғридан-тўғри ёки чапга кесишган йўлда ҳаракатланишни тақиқлайди, аммо бошқа ҳайдовчиларга тўсқинлик қилмаса, ўнг томонга ҳаракатланиш мумкин. Светофорни олиб ташлаш ва одатдаги «Ҳаракат фақат ўнг томонга» белгисини қўйишга эса мамлакатдаги қонун тўсқинлик қилади: агар светофорлар чорраҳаларда ўрнатилса, улар чорраҳага туташ ҳар бир кўчада бўлиши талаб қилинади.



## БАЪЗИ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ

Франция, Финляндия ва Испанияда автоуловчиларга детекторли радардан фойдаланиш тақиқланади. Люксембург, Белгия ва Швецияда эса бундай жиҳозлардан фойдаланган ҳайдовчилар қамоқ жазосини ўташлари мумкин (уч ойдан саккиз йилгача). Аммо Германия ва Россияда радар детекторлари тақиқланмаган.



С. МАМИРЖОНОВА тайёрлади.

### ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА



Қозоғистон саноат ва инфратузилмаларни ривожлантириш вазири ўринбосари Берик Камалиев ҳамда Ўзбекистон транспорт вазири в.б. Илҳом Маҳкамов ўртасида бўлиб ўтган музокараларда «Туркистон – Чимкент – Тошкент» тезюзар темир йўл лойиҳаси, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги авиақатновлар сонини ошириш, янги парвозлар йўналишларини очиш, хусусан, Қозоғистон шаҳарларидан Самарқанд ва Урганч шаҳарларига мунтазам авиапарвозларни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

### ТАБИЙ ОФАТЛАР НАТИЖАСИДА



Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофаа-си кўмитаси раҳбари Рустам Назарзоданинг сўзларига кўра, Тожикистонда 2020 йилда табиий офатлардан кўрилган умумий зарар 58 млн 911,4 минг сомоний (5,2 млн доллар)ни ташкил этган. Жами 141 та тураржой шикастланган, улардан 41 таси бутунлай, 100 таси қисман вайрон бўлган. Шунингдек, 22 та таълим муассасаси, 89 км йўл, 14 та кўприк, 15 км электр узатиш линияси, 18 минг 817 гектар қишлоқ хўжалик ерларига зарар етган.

### БОЖХОНА ПОСТИДА ПОРТЛАШ



Афғонистон – Эрон чегарасидаги божхона постида содир бўлган портлаш оқибатида 500 га яқин юк машинаси ёниб кетди, деб хабар қилади Tengrinews.kz. Маълумотларга кўра, бензин ташувчи машина портлаши оқибатида кучли ёнғин келиб чиққан ва тезлик билан атрофга тарқалган. Ёнғиннинг умумий майдони қарийб 20 минг квадрат метрни ташкил этган. Воқеа Ҳирот вилоятидаги Ислон-Қалъа божхона постида юз берган. Мазкур ҳодиса натижасида камида 50 киши жароҳатланган.

МИНТАҚАДА

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА



# «Урганч АСТМ» — ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ



*Бугунги кунда мамлакатимизда спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларига ёшларни кўпроқ жалб этиш борасида жойларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

Хусусан, Ўзбекистон му-  
дофаасига кўмаклашувчи  
«Ватанпарвар» ташкилотининг  
Хоразм вилояти кенгаши тасарру-  
фигадаги Урганч шаҳар автомобиль  
спорт техника мактабида ҳам  
бу борада ибратли ишлар йўлга  
қўйилган. Айтилган мавжуд  
спортнинг техник ва амалий тур-  
ларидан ҳаво милтиғидан ўқ отиш,  
мотокросс ҳамда парашют каби  
секцияларда юздан ортиқ ёшлар  
мунтазам шуғулланиб келмоқда-  
лар. Муҳими, уларнинг нуфузли  
мусобақаларда муносиб иштироки  
таъминланяпти.

Айниқса, Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Президентининг «Ёшларни  
ватанпарварлик руҳида ва жисмон-  
ий тарбиялаш ҳамда чақирил-  
увчиларни ҳарбий-техник мута-  
хассисликлар бўйича тайёрлаш  
тартибини такомиллаштириш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида»ги қарори асосида  
ташкил этилган парашют секция-  
сига ёшларнинг қизиқиши ортиб

бормоқда. Шу талаб ва тақлифдан  
келиб чиққан ҳолда «Д-6», «Лес-  
ник-2» парашютлари ҳамда захира  
парашютлари секция аъзолари учун  
харид қилинди.

– Фахрий спортчи парашют сек-  
цияси тренери Рустам Бобожонов-  
нинг ўзи бир ярим мингдан ортиқ  
парашют билан сакраш машғул-  
ларини бажарган, – дейди Урганч  
шаҳар автомобиль спорт-техника  
мактаби унитар корхонаси бошлиғи  
Маҳмуджон Давлатжонов. – Бундан  
ташқари, мотокроссчиларимиздан  
Максим Арипов ўтган мавсумда Сур-  
хондарё ҳамда Жиззах вилоятларида  
ўтказилган республика биринчилиги  
мусобақаларида фахрли иккинчи  
ўринни эгаллади. Шунингдек, ҳаво  
милтиғидан ўқ отиш учун махсус  
замонавий тир ишга туширилди. Бу  
ерда спортчилар шуғулланишлари  
учун пневматик милтиқ ва писто-  
летлар, ҳаракатланувчи нишонлар  
олиб келинди. Натижада шаҳардаги  
умумтаълим мактаблари ўқувчила-  
ридан иборат 2 та секция ташкил

қилиниб, айтилган мавсумда  
ортиқ ёшлар билан ушбу секцияда  
машғулотлар олиб борилмоқда.

Замон билан ҳамнафас қадам  
ташлаётган мактаб жамоаси ёшлар-  
имизни ҳарбий-ватанпарварлик  
руҳида тарбиялаш мақсадида маҳал-  
ла фуқаролар йиғинлари, шаҳар  
ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етма-  
ганлар ишлари бўйича комиссияси,  
Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши ва  
бошқа кўплаб ташкилотлар билан  
ҳамкорликда маънавий ва маърифий  
тадбирлар уюштиришга ҳам алоҳида  
эътибор қаратмоқда. Чунинчи,  
Президентимизнинг «Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Қуролли Кучлари ташкил  
этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда  
Ватан ҳимоячилари кунини нишон-  
лашга тайёргарлик кўриш ва ўткази-  
ш чора-тадбирлари тўғрисида»ги  
фармойишига мувофиқ ўтказилган  
ватанпарварлик ойлиги давомида  
«Ким Ватанга содиқ бўлса, менди-  
ман ўша!» деган устувор ғоя асоси-  
да ҳамда «Мамлакатимиз Қуролли  
Кучлари – тинчлик ва осойиштали-  
гимиз гарови», «Тарихий хотирасиз  
келажак йўқ» мавзуларида турли  
тадбирлар, учрашув ва давра суҳ-  
батлари ҳамда спорт мусобақалари  
ташкил этилди.

Автомобиль спорт-техника мак-  
табининг яна бир муҳим йўналиш-  
ларидан бири ҳайдовчилар тайёрлаш  
борасида ҳам ўтган давр мобайнида  
катта самарадорликка эришилди.  
Айтилган мавсумда бу ерда «А», «В»,  
«ВС», «ВЕ», «СЕ» ҳамда «D» тои-  
фали ҳайдовчилар тайёрланмоқда.  
Шу кунларда мактабда бугунги кун  
талабидан келиб чиққан ҳолда ёшлар-  
имиз учун ҳаётда керак бўладиган

касблардан радиотелефончилар,  
компьютер саводхонлиги, автокара,  
автокранчилар, электр пайвандчилар  
ҳамда амалий бошқаришни ўргатиш  
усталари малакасини ошириш, суюл-  
тирилган ва сиқилган газда юривчи  
автомобиль ҳайдовчилари учун ўқув  
курслари ҳам ташкил этилган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги  
кундаги долзарб масалалардан бири  
ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилиш,  
йўл-транспорт ҳодисаларининг олди-  
ни олишдир. Бу борада вилоят ИИБ  
ЙХХ бошқармаси ходимлари билан  
ҳамкорликда «Биз йўл ҳаракати қои-  
далари тарғиботчисимиз» мавзусида  
турли тадбирлар ташкил этилмоқда.  
Махсус жиҳозланган автобус ёрда-  
мида барча умумтаълим мактаблари  
ўқувчилари йўл ҳаракати қоидалари,  
кўча ва чорраҳаларда тўғри ҳаракат-  
ланиш кўникмалари билан мунтазам  
танишиб бориш имкониятига эга  
бўлдилар. Бундан ташқари, «Урганч  
АСТМ» унитар корхонаси автомобил-  
ларидан иборат тарғибот автокарвони  
Урганч шаҳри бўйлаб юриш қилиб,  
ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш  
юзасидан тарғибот ишларини олиб  
бормоқда. Энг муҳими, ушбу тарғибот  
автокарвони аҳоли гавжум жойлар-  
да тўхтаб, ҳаракат хавфсизлигини  
таъминлаш юзасидан учрашув ва  
суҳбатлар ўтказмоқда. Автоташвиқот  
карвони ташкилотчиларининг асо-  
сий мақсади эса барча йўл ҳаракати  
иштирокчиларининг билим савиясини  
ошириш орқали йўл-транспорт ҳоди-  
саларининг олдини олишдир.

**Акбар АЛЛАМУРОДОВ**

## BOLAJON



# H A Q Q U S H

(Tojik xalq ertagi)

Bir baliqchi bo'lgan ekan. U ertalabdan kechgacha daryo bo'yida o'tirib, baliq tutar ekan. Tutgan baliqlarini bozorda sotarkan. Bu pul xotini ikkisinin tirikchiligiga zo'rg'a yetar ekan.

Kunlardan bir kuni baliqchi ov qilayotgan daryo bo'yiga Haqqush uchib kelibdi-da, daraxtga qo'nib, baliqchi nima qilayotganini kuzata boshlabdi.

Baliqchi oqshomga yaqin bitta kichkina baliqchani tutibdi, xolos. Buni ko'rgan qush undan:

– Bu baliqchani nima qilmoqchisiz? – deb so'rabdi.

– Nima qilardim, baliqchani bozorga oborib sotib, non olaman. Uyda kampirim ikkimiz tamaddi qiladigan hech vaqo yo'q, – debdi baliqchi.

– Sizlarga achinaman! – debdi Haqqush. – Mayli, shunday bo'la qolsin, har kuni hovlingizga katta baliq olib kelaman. Qarigan chog'ingizda qiynalmay yashang. Faqat Haqqush haqida hech kimga og'iz och ko'rmanglar.

Shu kundan boshlab Haqqush har kuni baliqchining hovlisiga kattakon baliq olib keladigan bo'libdi. Kampir baliqni bo'lib-bo'lib qovurar, baliqchi esa ularni bozorga olib borib, sotar ekan. Chol bilan kampir tezda boyib ketishibdi, hatto katta bog'i bor uy ham sotib olishibdi. Bir kuni baliqchi har galgidek bozorda qovurilgan

baliq sotayotgan ekan. Birdan uning yonidan podshoning jarchisi o'tib qolibdi. U:

– Kim Haqqushning qayerdan topishni aytsa, shoh unga yarim podsholigi va qizini beradi! – deb qichqiribdi.

Bu so'zlarni eshitgan baliqchi chol o'rnidan sakrab turmoqchi bo'libdi-yu, ammo Haqqushga jim yuraman deb va'da berganini eslab, yana o'rindig'iga cho'kibdi.

Ammo jarchi o'rnidan sakrab turmoqchi bo'lgan cholni sezib qolibdi. U Haqqush haqida biror narsa bilsa kerak deb o'ylab, cholni podsho huzuriga sudrab olib boribdi.

– Qariyapman, – debdi podsho, – o'nlab tabiblar turli xil dori-darmonlar berib, meni yashartirolmadi. Bir tabibning gapicha Haqqush qoniga yuvinsam, qayta yasharamishman. Agar sen o'sha qushni tutib bersang, yarim podsholigim bilan qizimni senga berganim bo'lsin. Agar qushni tutib berishga ko'nmasang, o'limga buyuraman.

– Ammo Haqqush shunday kattaki, – debdi baliqchi, – uni yuzta odam ham tutishi qiyin.

– Men senga ikki yuzta odam beraman, faqat qushning qayerga uchib kelishini ko'rsatsang bas. Odamlarim, albatta, uni tutishadi, – debdi podsho.

Baliqchi chol shoh xizmatkorlarini uyiga olib borib, Haqqush har kuni hovlisiga uchib kelishini va baliq tashlab ketishini aytib beribdi.

– Qushni havoda tutib bo'lmaydi, – deyishibdi xizmatkorlar.

– Unga ovqat tayyorlab, yerga tushib yeb ketishga ko'ndir. Shunda uni tutib olamiz.

Ikki yuz odam baliqchining hovlisida qushni poylay boshlashibdi. Baliqchi kosaga yemish solib, hovli o'rtasiga qo'yibdi-da, qushning kelishini kuta boshlabdi. Qush uchib kelishi bilan baliqchi:

– Ey, Haqqush, kel, hovlimga qo'n! Mehmonim bo'!! – deb qichqiribdi.

Qush yerga qo'nib, kosadagi ovqatdan cho'qilay boshlabdi. Shunda ikki yuz odamning hammasi unga tashlanibdi. Qush qanotlarini qoqib, ko'kka talpinibdi.

Baliqchi qushning oyog'idan ushlab qolishga ulguribdi va u ham qush bilan birga havoga ko'tarilibdi. Podsho xizmatkorlari esa baliqchining oyog'idan mahkam ushlab olishibdi. Shunday qilib, hammasi bir-birining oyog'idan ushlagancha, qush bilan birga ko'kka ko'tarilishibdi. Ikki yuz odam zanjirga o'xshab havoda muallaq qolibdi.

Haqqush esa borgan sari yuqorilayveribdi. Baliqchining qo'llari tolib, panjalari ezilib ketibdi. Shunda qushning oyog'ini qo'yib yuboribdi. Odamlarning hammasi yerga qulab, majaqlanibdi. Insofsiz baliqchi ana shunday jazo topgan ekan.

“Dunyo xalqlari ertaklari” kitobidan olindi.

# T O P I S H M O Q L A R

To'rt o'rtoq bor: zo'r ishi –  
Olam-olam tashvishi.  
Har biri xursand etar,  
Izma-iz kelib ketar.  
(Yil fasllari)

Yungi igna,  
Burni tugma.  
Ko'zi munchoq,  
Bag'ri yumshoq.  
(Tipratkan)

Ajib ishlar bo'ladi,  
Uxlaganlar ko'radi.  
(Tush)

Chopsa chopilmas,  
Bo'lsa bo'linmas.  
Kessa kesilmas,  
Ko'msa ko'milmas.  
(Soya)

O'rkach-o'rkach tuyalar,  
Bir-biriga suyanar.  
Qimir etmas yil, asr,  
Bag'rida xazina, sir.  
(Tog'lar)

Oyna emas jimirlar,  
Tek turolmas, qimirlar.  
(Soyalar)



Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Байрам либосидаги фахрий ҳарбий хизматчилар, уларнинг кўксидаги ярақлаб турган орден ва медаллар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтириши аниқ. Айниқса, ҳарбий либос кийганда ўзини ҳақиқий Ватан ҳимоячиларидек ҳис қилиб, кўзлари қувончдан чақнайдиган болажонларни айтмайсизми?

# «ЁШЛАРГА НАМУНАДИР МАРДЛИК, ЖАСОРАТ»

Мудофаа вазирлиги томонидан фахрийлар, ҳарбий хизматчилар ва ёшлар иштирокида ўтказилиб келинаётган «Уч авлод учрашуви» келажак авлод вакиллари мардлик ва жасорат, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши амалда исботини топмоқда. Пойтахтимиздаги 89-умумтаълим мактабида «Авлодларга намунадир мардлик, жасорат» деб номланган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳақимов, ўқувчилар ва ҳарбий спорт кичик академияси ёшларининг бир-биридан ажойиб чиқишлари ҳамда ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирнинг байрам тантанаси шуқуҳида ўтишини таъминлади.

Мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари мустақиллик йилларида юртимиз осойишталиги учун ўз жонини қурбон қилган қаҳрамонларнинг суратларини кўтарган ҳолда «Аскар» қўшиғини ижро этиши йиғилганлар томонидан олқишланди. Қўшиқни дўстлари билан биргаликда куйлаган болажонлардан бири афғон уруши қатнашчиси, истеъфодаги полковник Рустам Пўлатов ёнига келиб, унинг кўкрагидаги қатор орден ва медалларни зўр қизиқиш билан томоша қилганда ҳар икки авлод вакилининг кўнглидан нималар кечди экан? Уларнинг кўнгил кечинмалари ҳақида ҳар қандай тахминларга



бормайлик, истеъфодаги полковник Рустам Пўлатов ҳам, ўзини таништирган бола ҳам бугунги тинч-осуда ҳаётимиз қанчалик заҳмат ва фидо қилинган жонлар эвазига қўлга киритилганини яхши билишади...

Тошкент шаҳар ва Яққасарой тумани мудофаа ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган тадбир якунида олти нафар истеъфодаги ҳарбий хизматчига «Мудофаа вазирлиги фахрийси» кўкрак нишони топширилди. Кўкрак нишони билан

тақдирланганлар рўйхатида «Ватанпарвар» тахририятида фаолият кўрсатган ва ҳозирги пайтда ҳам ижод қилиб келаётган истеъфодаги полковник Алижон Сафаров ҳамда истеъфодаги подполковник Расулжон Жумаевнинг борлиги эътиборга лойиқ. Биз барча тақдирланганларни тахририятимиз ижодий жамоаси номидан табриклаб қоламиз.

Асрор РЎЗИБОВЕВ,  
«Vatanparvar»



## VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор  
Аҳрор Очиллов

Навбатчи:

лейтенант  
Бобур Элмуродов

Саҳифаловчилар:

Нодирабегим Валиева  
Дилноза Мелиқўзиева

Мусахҳихлар:

Сайёра Мелиқўзиева  
Мастура Қурбонова

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50  
бухгалтерия: (71) 260-35-20  
юримдик бўлим: (71) 269-88-91  
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-205.  
Ҳажми: 6 босма табоқ,  
Бичими: А3.  
Адади: 34 909 нусха.  
Босишга топшириш вақти: 14:00.  
Топширилди: 14:30.

### БИР ЧИМДИМ

Киши ўз молидан қанча фойдаланса – ўзиники, қанча асраса ўзганикидир. Заҳмат билан топганини ўзингдан аяма, дўстлар билан меҳнат қилиб топганини душманлар учун асрама.

Алишер НАВОИЙ

### БИЛАСИЗМИ?

Бруней султони ҳар тонг, нонуштадан сўнг давлат бошлиғи, молия, ички ишлар вазирлари билан кенгаш ўтказди. Бу кенгаш ҳар доим ўз вақтида бўлиб ўтади. Ҳеч ким бир дақиқа ҳам кеч қолмайди, бунинг иложи ҳам йўқ. Нега шундай? Бир неча йиллардан бери кенгаш ўз вақтида бошланиши ва ҳеч кимнинг кечикмаслиги сабаби нимада?



Жавоб: «Бир вақт бакарарга илҳамнинг ортидан илҳамнинг келгани»

### БИЛАСИЗМИ?

Бобурий маликалардан бирининг қабр лавҳасига васиятига кўра, «Ҳеч ким менинг қабримни сабадан ўзга нарса билан ёпмасин. Ғариблар қабрини ёпмоқ учун шу гиёҳнинг ўзи басдур», деб ёзилган. Бу малика ким эди?



Жавоб: Заврабдинос

### КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Чақирув – 2021:  
Азамат ўғлонлар  
сараланмоқда

Газета жума куни чиқади.  
Газета 1992 йилнинг  
24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.  
Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акция-дорлик компаниясида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:  
100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 1-уй.